

## 18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН


Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири


### ВАТАН БАЙРОҒИ

*Юрт байроғин ҳар жойгамас,*
*Кўнглингга эк. Кўксингни ўй.*
*Ишлов бергин, юмшатиб тур,*
*Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.*
*То бу байроқ, Ватан, нурлар*
*Ич-ичингга кетсин кириб.*

*Токи ғаним — ватанхўрлар,*
*Ололмасинлар суғуриб.*
*Шундай ўргат қулни, хонни,*
*Учмас қуш ҳам учар бўлсин.*
*То байроқдан олдин жонни*
*Бермоқ осон кечар бўлсин.*


Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
19-noyabr
payshanba

№ **42** (4480)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


# ЯНГИ МАСКАНДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР



**Пахтакор тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси шахсий таркиби янги бинода хизмат фаолиятини бошлади**




Маъмурий бино Пахтакор туманининг Жиззах – Гагарин ва Янгиер – Чимқўрғон йўллари кесишмасига яқин жойда жойлашган. Бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берувчи ушбу бинода барча шароитлар мавжуд. Унинг атрофида ўрнатилган 15 та видеокамера чорраҳага яқинлашаётган барча транспорт воситаларини тасвирга олиш, яқин-атрофни тўлиқ кузатиб туриш имконини беради. Бинода фуқаролар учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ фойега кирган киши ўзига керакли мутахассисни қийналмасдан топиши мумкин. Рўпарада бўлинма бошлиғи, катта инспектор учун алоҳида хоналар жойлашган. Шунингдек, маъмурий амалиёт хонаси, икки юздан ортиқ китоб билан бойитилган кутубхона ҳам ташкил этилган. Пастки қаватда эса казарма, ошхона, ювиниш хонаси, мажлислар зали жойлашган.

(Давоми 9-бетда).



# 18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

**Жорий йилнинг 13–16 ноябрь кунлари Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрида спортнинг қўл жанги тури бўйича жаҳон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур турнирда 9 мамлакатдан келган 14 та жамоа спортчилари ўзаро беллашишди. Якуний натижаларга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 4 та олтин ва 3 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА ҲИЛПИРАБ ТУРАР...





Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси таркибида ички ишлар органларининг 7 нафар ходими ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Шахсий биринчилик натижаларига кўра, 60 кг. вазн тоифасида Навоий вилояти ИИБ ТВБСО ходими, сержант Шаҳбоз Турсунов, 70 кг. вазн тоифасида кичик сержант Олимжон Нормуродов, Наманган вилояти ИИБ ТВБСО ходими, сафдор Нозима Умарова ҳамда 75 кг. вазн тоифасида Бухоро вилояти ИИБ ТВБСО ходими, катта сержант Жаҳонгир Жумаевлар биринчи ўринни қўлга киритди. 70 кг. вазн тоифасида Тошкент шаҳар ИИББ ТВБСО ходими, сафдор Отабек Ҳамзалиев, 75 кг. вазн тоифасида Навоий вилояти ИИБ ТВБСО ходими, кичик сержант Мафтуна Эсанова, шунингдек, 75 кг.дан юқори вазн тоифасида Тошкент вилояти ИИББ ТВБСО ходими, сафдор Мадина Эргашевалар 2-ўринни эгаллади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ғолиблар тантанали равишда кутиб олинди.

– Ҳар доим мусобақаларда иштирок этарканман, зиммамда улкан масъулият, яъни аниқроғи, мажбурият борлигини ҳис этаман, – дейди мусобақа ғолиби сержант Шаҳбоз Турсунов. – Спорт билан шуғулланишимиз учун шароит яратиб, халқаро мусобақаларда иштирок этишимизга имконият берган ҳукуматимиз ва вазирлик раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. Бизнинг шарафимизга давлатимиз байроғи юксак кўтарилиб, ҳилпираб экан, бу ғалаба Давлатимиз байроғи қабул қилинган кунга энг муносиб совға бўлганлигини ҳис этиб, кўзларимга севинч ёшлари келди.

Дарҳақиқат, она Ватан довруғини дунёга таратиш, унинг фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини олам аҳлига намоён этиш нафақат спортчилар, балки шу қутлуғ заминда туғилиб ўсган ҳар бир фуқаронинг энг эзгу орзусидир.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

## ЮРТ БАЙРОҒИ

*Юрт байроғин кўксингга ил, бағрингга бос,*
*Ҳар бир эзгу амалингга маёқ бўлсин.*
*Керак бўлса, боланг ётган бешикка ос,*
*Ватан ҳақда илк бор олган сабоқ бўлсин.*

*Қаршисида тиз чўк, икки кўзингга сурт,*
*Ҳавас қилсин ҳасад билан пойлаганлар.*
*Десин кейин бу шундайин буюк бир юрт,*
*Байроғини юрагига жойлаганлар.*

*Ҳавас билан боққин мовий осмонига,*
*Ҳилолига, юлдузига узатгин қўл.*
*Алвон ранги сингиб кетсин қон-қонингга,*
*Байроқ бўлиб чорлаб турсин улуғ бир йўл.*

*Жаҳонгир* **ШАРОФБОЕВ.**

## ИСТИҚЛОЛНИНГ АЖРАЛМАС РАМЗИ





**ИИВ Самарқанд академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан «Давлат байроғи – менинг ифтихорим» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда лицей директори, подполковник А. Усмонов сўзга чиқиб, бундан 29 йил аввал қабул қилинган байроғимиз ота-боболаримиз асрий орзу-мақсадларининг рўёби, мустақил юрт истиқлолининг ажралмас рамзи эканлигини таъкидлади. Катта тантаналарда, халқаро мусобақаларда ҳилпираб, сержило ранглари ва зийнати билан ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдираётгани қайд этилди.**

Шундан сўнг Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган иншолар танлови ғолиблари тақдирланди. Миллий давлатчилигимиз асоси, тарихи ва бугунги дориламон кунлар шукуҳи ҳақидаги мушоҳадалар баён этилган 30 дан ортиқ иншо ҳакамлар томонидан кўриб чиқилди. Натижаларга кўра, лицейнинг 2-курс ўқувчиси Шаҳноза Қўзибоева 1-ўринга лойиқ топилди. Кейинги ўринларни 3-курс ўқувчиси Акобир Мажидов, 2-курс ўқувчиси Сабина Ҳамдамова эгаллади.

Танлов ғолиби Ш. Қўзибоева иншосида бугунги тинчлигимиз ва осойишталигимиз байроғимизнинг турфа ранглари ой-юлдузларида мужассам топганлиги шоирона ифода этилгани ҳакамлар эътирофига сазовор бўлди.

Шунингдек, сана муносабати билан ўтказилган расмлар танловида 25 нафар мўйқалам соҳибининг ижодий ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда спортни кенг тарғиб этиш, аҳоли саломатлигини асраб-авайлашга қаратилган. Республикамиз миқёсида фармоннинг ижроси таъминланмоқда.**








Жумладан, Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси доирасида 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан вилоят ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида узоқ масофага югуриш марафони ўтказилди. Жорий йилнинг 15 ноябрь куни эрта тонгда Навоий шаҳрида жойлашган «Ёшлик» кўли соҳилида марафонга старт берилди.

Ходимларнинг оила аъзолари ўртасида 1-ўринни Асилбек Рустамов, 2-ўринни Миржалол Саидов ҳамда 3-ўринни Жавоҳир Нормуродов эгаллади. Ходимлар ўртасида фахрли 3-ўрин ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходими Фаррух Элмуродовга насиб этди. ЖИЭБ 4-сонли ЖИЭК вакили Алишер Астанаев иккинчи ўрин соҳиби бўлди. ТХТБ ходими Хуршид Шодиев эса маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ғолиб ва совриндорлар вилоят ИИБ бошлиғи томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, марафон кўтаринки руҳда кечди. Энг асосийси, барча иштирокчилар жисмоний чиниқиш инсон саломатлигининг гарови эканлигини яна бир бор ҳис этдилар.

**Завқиддин ХЎЖАНОВ,**
**подполковник.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ХАЛҚ МЕҲРИГА САЗОВОР БЎЛИШ БАХТИ



**Халқ билан ҳамнафас яшаш, одамлар меҳрини қозониш учун инсонга покиза қалб, камтаринлик ва самимийлик керак. Бу шараф подполковник Шерзод Абдуллаевнинг ҳам толеига битилган. Она Ватанга дахлдорлигини ҳис қилган юрт фарзанди мана, 21 йилдирки, ички ишлар органларида фаолият кўрсатиб келмоқда.**

– Қалбимда ички ишлар органларига муҳаббат уйғотган инсон амаким – генерал-майор Тилла Абдуллаев бўлади, – дейди қаҳрамонимиз. – У киши узоқ йиллар тизимда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Олий ўқув юртини тамомлаб, таржимон бўлиб юрган пайтларимда соҳага ишга киришимга туртки бериб, менга оқ йўл тилагани кечагидек эсимда. Бугунги эришган барча ютуқларим учун амакимдан чексиз миннатдорман.

Хизмат фаолиятини 1999 йилда Фарғона шаҳрида профилактика инспектори сифатида бошлаган Ш. Абдуллаев кейинчалик турли маҳаллаларда фаолият кўрсатди. Қаерда хизмат қилмасин, ҳамиша халқ билан ҳамнафас бўлди, яхши-ёмон кунларида маҳалладошлар ёнида турди. Соҳада катта тажриба тўплагач, 2013 йилда шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига қарашли 3-сонли ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори этиб тайинланди.

Ҳозирги кунда подполковник Шерзод Абдуллаев шаҳарнинг Ал-Фарғоний, «Сойбўйи», «Ибрат», Соҳибқирон Темур, «Шаршара» сингари 18 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги барқарорлик, аҳоли осойишталиги учун масъул. Қўл остида 20 нафарга яқин профилактика инспектори фаолият кўрсатади.



Қаҳрамонимиз катта инспектор бўлиб ишлаш билан бирга, ўзига бириктирилган Ал-Фарғоний МФЙда ҳам намунали хизматни йўлга қўйган. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил 8 нафар шахс соғлом турмуш тарзига қайтарилди. Муқаддам судланган 2 нафар фуқаро тузалиш йўлига кирганлиги сабабли профилактик ҳисобдан чиқарилди. 5 та нотинч оилалаги вазият барқарорлаштирилди. Спиртли ичимлик ичишга ружу қўйган фуқароларнинг 3 нафари даволанишга юборилди. «Тунги рейд», «Ўқувчи», «Тиғ» каби тадбирларда уюшмаган аҳоли, айниқса, ёшлар ижтимоий фаол ҳаётга жалб этилди.

Албатта, бугун ҳар бир маҳаллага подполковник Шерзод Абдуллаев сингари барча ҳаётий масалаларда маҳалла аҳлига кўмак берадиган, уларга чинакам елкадош бўладиган, ёнма-ён турадиган инспекторлар керак. Қаҳрамонимиз ана шундай қатъияти, касбий маҳорати ва юксак инсоний фазилати туфайли шахсий таркибнинг эътирофига, шогирдларининг ҳурматига ҳам сазовор бўлмоқда.

Ш. Абдуллаевнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у ўзбек, тожик, рус ва инглиз тилларида равон сўзлаша олади. Шаҳар ҳудудида юрган сайёҳлар билан ҳам дарров мулоқотга киришиб, тил топишади. Чунки у Фарғона давлат университетининг хорижий тиллар факультетини тамомлаган. Бундан ташқари, у спортнинг бокс турига қизиқади, айниқса, бўш пайтларида китоб мутолаасига иштиёқи баланд.

– Устоз шоирларимизнинг она Ватан қадри, юртга муҳаббат ва садоқат руҳида ёзилган шеърларини ўқиб, катта куч ва шижоат олгандай бўламан, – дейди у. – Китоблар бизга Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо сингари улуғ аждодларимиз ибратини ўргатади, Ватанни ардоқлаш, ҳаётни севишга ундайди.

Подполковник Шерзод Абдуллаев бугун соҳада чинакам устоз даражасига етган бўлса-да, ўзи ишга кирган илк пайтларида устозлик қилган ин-



сонларни асло унутмайди. Подполковниклар – Мурод Зубайдуллаев, Тошметин Абдуллаев, Зиёҳиддин Ғофуровдан доим миннатдор бўлиб, устозларининг яхши хислатлари ҳақида шогирдларига тез-тез гапириб беради. Улардан ўз маслаҳат ва тавсияларини аямайди.

Қаҳрамонимиз Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Юртбошимизнинг фармонига асосан, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Халқ ичида бўлиш, одамлар билан бирга ишлашни жуда яхши кўраман, – дейди Ш. Абдуллаев. – Менга аҳолининг ичида юриш, юртдошларимизнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш ёқимлироқ.

Ватанпарвар ўғлоннинг юрак-юрагидан садо бераётган ушбу фикрларда бебаҳо ва азиз неъмат – ҳурлик, тинчлик ва фаровон ҳаётнинг асраб келаётган соҳа фидойиларининг ўтли овозини эшитгандай бўласиз.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

# КУЧ БИЛАН ЭМАС, ИШОНЧ БИЛАН ЗАБТ ЭТ

Ҳаётда бировнинг ишончини қозонишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, у бир кишига эмас, кўпчиликка тааллуқли бўлса, бу кишидан яна ҳам кўпроқ масъулият талаб этади. Бойсун туманидаги «Арик усти» маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органи таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Ўткир Жабборов ҳам бу синовларни бошидан ўтказган. Негаки, бутун бошли маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзаро муносабатларию ишдаги муаммоларига ечим топиш, оилаларда осойишталикни сақлашнинг ўзи бўлмайди.



Табиатан оғир-босиқ, одамларни тинглаб, кўнглига йўл топа оладиган тажрибали профилактика катта инспектори, капитан Ўткир Жабборов бугун маҳалладаги 530 оиланинг яқин дўстига айланиб улгурган. Қайсидир хонадонда келишмовчилик рўй берса ёки фуқаролар ўртасида тушунмовчилик юз берса, у ўша ерда доим ҳозиру нозир.

– Аксарият низолар тушунмовчиликдан келиб чиқади, – дейди капитан Ўткир Жабборов. – Фақат вазиятга холис баҳо бериш, муроса қилиш билангина бир тўхтамга келиш мумкин. Оддийгина оилавий можароларни ҳам муросага келтириш учун низога сабабчи бўлаётган одамларни аввал яхшироқ ўрганаман. Улар билан суҳбатлашаман, ҳаётда қийнаётган муаммолари билан қизиқаман. Сўнгра масалага ечим топишга интиламан. Тушунмайдиган одамнинг ўзи йўқ, фақат баъзилар тушунишни истамайдиганлар бор. Аммо ҳар қандай инсоннинг кўнглини топса бўлади. Бунинг учун нимагадир ишонч уйғота олиш зарур.

Ўткир Жабборов ўзи бойсунлик. Шу туманда туғилиб, шу ернинг сувини ичиб, чанг кўчаларини тўзғитиб, катта бўлган. Демак, ўз тумандошларининг феъл-атворини-да яхши билади. Шу боис ҳам одамлар билан тез тил топишади.



Унинг талабалик даври 1998–2002 йилларда Термиз давлат университетида ўтган. Университетни тамомлагандан кейин муддатли ҳарбий хизматга бориб қайтгач, унда ички ишлар органларида ишлаш иштиёқи уйғонди. 2007 йилда ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида таҳсил олди. Шу йилнинг апрелидан бошлаб эса Термиз шаҳар ИИБ ЁХБ 1-отряди командирининг ўринбосари вазифасида иш бошлади. Шундан кейин у турли лавозимларда хизмат фаолиятини олиб борди. Катта тажриба ва малака тўплади.

Ҳозирда қаҳрамонимиз хизмат кўрсатаётган маҳалла ҳудуди анчагина катта. Унда 3220 нафар фуқаро истиқомат қилади. Профилактик ҳисобда турадиганлар 11, спиртли ичимликка ружу қўйганлар эса 8 нафарни ташкил этади. Капитан Ўткир Жабборов улар билан доимий равишда мулоқотда бўлиб, уларни тузалиш йўлига қайтариш, жиноят содир этмаслиги учун назорат қилиб боради. Иш керак бўлса, иш топишга, низоли ҳолати бўлса, яраштиришга уринади. Бу йил давомида маҳалладаги 5 та низоли оила маҳалла фаоллари билан бирга унинг кўмагида яраштирилди. Икки нафар аёлга эса ҳимоя ордери берилди.

Энг муҳими, маҳаллада бу йил бирорта ҳам жиноят қайд этилмади. Бу Ўткир Жабборовнинг олиб борган профилактик тадбирлари натижаси, албатта.

Капитан Ўткир Жабборов яқинда Президентимиз фармонига кўра, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Айни касб байрами арафасида берилган ушбу мукофот унинг ҳаётида катта воқеа бўлди.

– Бундай эътирофни сира кутмагандим, — дейди қаҳрамонимиз. – Эшитганимда жуда қувондим, касбимни янаям яхши кўриб кетдим. Бу юксак мукофот менга янада зўр куч-ғайрат бағишлашига ишонаман.

...Сарлавҳадаги сўзларга эътибор қилдингизми? Буни милоддан аввалги VI асрда яшаган юнонистонлик файласуф Биант айтган. Лекин у ҳали-ҳануз ҳаётда ўз исботини топиб келмоқда. Зеро, ана шу ақидага биноан иш кўрадиганлар кўзлаган мақсадига, албатта, эришади. Бундай инсонлар қаторида капитан Ўткир Жабборов каби профилактика инспекторларининг бўлиши янада қувонарлидир.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Подполковник Раимов Мурат Тахирович**
Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Самарқанд вилояти ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Бойхонов Умиджон Обиджон ўғли**
Наманган вилояти Наманган шаҳри Давлатобод тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Наманган вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – ўзгалар мулкини талон-торож қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Капитан Мухитдинов Азим Бахронович**
Навоий вилояти Ғозғон шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Навоий вилояти Нурота тумани Ички ишлар бўлими 9-сонли ички ишлар бўлинмаси бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

УЧИНЧИ СЕКТОР

**Хива туманидаги 3-сектор ҳудудида 10 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 44715 киши истиқомат қилади. Шундан 20510 нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, иш билан банд бўлган аҳоли сони эса 9664 нафарни ташкил қилади. Сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Даврон Жалолов бошчилигида аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.**



# БОШ МАҚСАД – АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудидаги 14 мингдан ортиқ оила тўла ўрганиб чиқилди. Натижада 164 та оиланинг эҳтиёжманд эканлиги аниқланиб, ушбу оилаларда яшовчи фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Бундан ташқари, пандемия даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 171 та оила «Темир дафтар»га киритилиб, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Мазкур оилаларга 64 та тадбиркорлик субъекти ҳомий сифатида бириктирилиб, 529 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган оилалардаги 266 нафар 16 ёшга тўлмаган ёшнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан накд пул белгиланган тартибда тарқатилди. Қолаверса, меҳнатга лаёқатли 254 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 19 та оилага имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб берилди, 105 та оилага 125 бош қўй ҳамда 63 та оилага шартнома асосида қорамоллар берилди. 48 та оилага эса хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит эвазига 48 та тикув машинаси ажратилди.

– Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудида 11 та умумий қиймати 11 миллиард 935 миллион сўмлик лойиҳа ишга туширилди, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Д. Жалолов. – Натижада ўнлаб фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, 84 та кичик бизнес субъекти, яъни 35 та масъулияти чекланган жамият, 10 та хусусий корхона ва 39 та оилавий корхона ташкил қилиниб, бу йўналишдаги режа 135 фоизга бажарилди. Айни кунда бу борадаги ишлар тизимли равишда давом этмоқда.

«Обод маҳалла» давлат дастури доирасида Саёт ва Шўркўл маҳаллаларида новвойхона, сартарошхона, гилам ювиш цехи, дорихоналар ва мини маркетлар ташкил қилиниши орқали янги иш ўринлари яратилди. Журён маҳалласида эса кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Хоразм Барака Чевар» масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти йўлга қўйилди ва 79 нафар аёлнинг иш билан банд бўлишига эришилди.

Сектор ҳудудида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли хонадонларидаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга кўрсатмалар берилди, уларнинг ижроси назоратга олинди. Айни кунда бу йўналишда аниқланган барча камчиликлар тўла бартараф этилди.

Айтиш мумкинки, сектор ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Шўркўл маҳалласидаги 566 та тураржойдан 153 тасининг фасад қисми, 86 тасининг том қисми таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 1,2 километрлик ичимлик суви таъминоти яхшиланди, 2,1 километр электр энергияси тармоғи янгиланди, 2,1 километр йўл таъмирдан чиқарилди.

Сектор ҳудудида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида ҳам тизимли ишлар ташкил қилинган. Аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш жараёнида низоли оилалар, ишсиз фуқаролар, ичкиликбозликка ружу қўйган, жиноят содир қилишга мойил бўлган ва бошқа тоифадаги шахсларни аниқлаб, уларни иш билан таъминлаш, имтиёзли кредитлар ажратиб, тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда доимий профилактик суҳбатлар олиб бориш йўлга қўйилган. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг турмуш тарзида пайдо бўлаётган муаммолар ижобий ҳал қилиниб, ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида иштироки таъминланмоқда. Шунингдек, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни», «Тозалаш–Антитеррор», «Хонадон», «Тун», «Қорадори» каби профилактик тадбирлар самарали ташкил этилиб, ҳудудларда содир этилаётган жиноятлар сектор раҳбари иштирокида муҳокама қилиняпти. Уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар атрофлича ўрганиб чиқилиб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудида оғир ва ўрта оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, қотиллик, товламачилик, номусга тегиш, фирибгарлик каби жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади. Худди шунингдек, вояга етмаганлар, муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир қилинмади.

Амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракалар натижасида 3-сектор ҳудудида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланиб, тинчлик ва осойишталиги таъминланмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

ЎҚУВ ЙИҒИНИ

# ҲАМ НАЗАРИЙ БИЛИМ, ҲАМ АМАЛИЙ КЎНИКМА

**Барча соҳаларда бўлгани каби, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлиги ҳам бевосита кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари негизида касбий тайёргарлик факультети ташкил этилди. Қарор қабул қилингунга қадар фуқаролик таълим муассасаларини тамомлаб, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган фуқаролар ҳеч қандай касбий тайёргарликсиз офицерлик ва сержантлик лавозимларига тайинланар эди. Эндиликда эса улар ушбу факультетда таҳсил олиб, аниқ мутахассисликлар бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлганидан сўнг офицерлик ва сержантлик лавозимларига тайинланадиган бўлди.

Айни пайтда мазкур касбий тайёргарлик факультетида хизматга янги қабул қилинган ёш ходимларда дастлабки касбий билим ва кўникмани, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган комплекс ўқув машғулотлари олиб борияпти. Хусусан, фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспектори лавозимига қабул қилинган 600 нафарга яқин ходимлар Академия ўқув полигонида касбий тайёргарлик курсларида таҳсил олмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ўқув машғулотларида тингловчиларнинг зарур назарий билимлар билан бирга, амалий кўникмалари ҳам шакллантирилмоқда. Бунда, айниқса, ички ишлар органларида кўп йиллик бой амалий тажрибага эга бўлган ходимларни ўқув машғулотларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқув йиғини давомида профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқишда тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш, терговга қадар текширувни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш билан боғлиқ комплекс машғулотларнинг олиб борилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, профилактика инспекторлари хизмат фаолиятида турли тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлади. Шу сабабли уларнинг психологик тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, ўқув дастурига профилактик фаолият психологияси фани ҳам киритилган. Ушбу фанда профилактик ҳисобга олинган ва илгари судланган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирокчиларнинг руҳияти ва ички кечинмаларини ўрганиш орқали уларга тегишли профилактик таъсир кўрсатишнинг психологик асосларини қамраб олган мавзулар ўқитилмоқда.

**Сами ХОЛМИРЗАЕВ,**
**майор.**

ШУНДАЙ ХИЗМАТ БОР

# «БОЛАМ ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИ...»

**Телефон гўшагидан аёлнинг асабий овози эшитилди: «Бу ички ишларми? Болам йўқолиб қолди, 5 ёшда. Қалия маҳалласида яшаймиз. Бир соат илгари уйда эди. Кўчада ҳам йўқ, қўшнилар ҳам кўрмаган. Кўк жемфер, қора шим кийганди...». Жиззах шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкилий бўлинмасининг навбатчилик қисми катта навбатчиси, майор Акмал Мамарасулов айтилганларни дафтарга қайд этар экан, аёлни тинчлантирди: «Топамиз, синглим, хавотир олманг».**

Ушбу маълумот олиниши билан навбатчилик қисми ходимлари воқеадан ҳудудга масъул ички ишлар бўлими, профилактика инспектори, патруль-пост хизмати, Миллий гвардия ҳамда йўл-патруль хизмати ходимларини хабардор этишди. Барчага боланинг ёши ва алоҳида белгилари ҳақида тушунтириш берилди...

Навбатчилик қисмида ҳаёт қайнайди. Кимдир кўчада жанжаллашаётган йигитлардан шикоят қилса, яна кимдир сув қувури ёрилганини билдириб, коммунал корхона телефон рақамини сўрайди. Навбатчи ҳар бир фуқарога хушмуомалалик билан аниқ жавоб қайтаради. Умуман олганда, унинг зиммасида катта масъулият бор. Соҳа вакиллари ҳар бир мурожаатни ўрганиб, муаммони ҳал қилиш учун тегишли куч ва воситаларни жалб қилишлари лозим.

Масалан, жиноят содир этилгудек бўлса, воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳи сафарбар қилинади. Табиийки, ҳудудий профилактика инспектори ҳам зудлик билан етиб бориши лозим. Заруратга кўра прокуратура ёки бошқа соҳалар вакиллари ҳам жалб этилади.

Бундан ташқари, навбатчилик қисми навбатчилари ички ишлар органларига келган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиб олишади ҳамда тегишли масъулга етказилиши ва ижросини назорат қилиб борадилар. Фуқароларнинг Жиззах шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарлари билан юз-юзма мулоқоти ҳам навбатчилик қисми ходимлари орқали амалга оширилади.



... Уч соат деганда болакай профилактика инспектори, капитан Ғофир Назаров томонидан Жиззах шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласида топилди. У яшаш жойидан 5 километр узоқлашиб кетганди. Бу тўғрида Жиззах шаҳар ИИОФМБ ташкилий бўлинмаси навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, сафдор Отабек Норбеков боланинг онасига маълум қилганида, телефон гўшагидан аёлнинг йиғи аралаш: «Болам соппа-соғми? Ҳозир қаерда? Раҳмат, барака топинглар» деган ҳаяжонли сўзлари янгради.

Соат 19:30да қўнғироқ қилган кишининг гаплари эса навбатчиларни бироз ўйлантириб қўйди. Фуқаро овқатланиш шохобчасида пулдор одамларнинг уйини суриштираётган шахсни учратганлиги, у ўғри бўлиши мумкинлигини билдирганди. Бу маълумот маст одамнинг ҳазили бўлиши ҳам мумкин эди. Баъзан шунақа ҳолатлар ҳам учраб туради. Нима бўлганида ҳам, навбатчи белгиланган тартибда иш кўрди. Жиноят қидирув бўлими ходимлари зудлик билан овқатланиш шохобчасига етиб боришди ва шубҳали шахсни кузата бошладилар...

Шароф Рашидов тумани Тоқчилик маҳалласида яшовчи ўқитувчининг уйи қаршисига қоронғида етиб келган шубҳали шахс кўчадаги дарахт тагида бироз ўтирди. Теваракда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, юзига ниқоб тақди. Сўнгра қўлқоп кийиб, пичоқ билан қуроллаганича деразa орқали уйга кирди. Шу ондаёқ унинг ортидан ички ишлар органлари ходимлари кириб боришди.

Босқинчи уларга қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди. Аммо вилоят ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари жиноятчини бир зумда қуролсизлантиришга муваффақ бўлдилар. Босқинчилик қилишга уринган фуқаро Сирдарё вилояти Гулистон тумани Деҳқонобод маҳалласида яшовчи, 1996 йилда туғилган И.Т. бўлиб чиқди.

— Навбатчилик қисми замонавий алоқа воситалари билан таъминланган, бу эса ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасида тезкор алоқани таъминлаш имконини беради, — дейди Жиззах шаҳар ИИОФМБ ташкилий бўлинмаси навбатчилик қисми катта навбатчиси, майор Акмал Мамарасулов. — Мисол учун, шахсий таркибга вазифани бир вақтда эълон қилиш ҳамда қатор давлат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан тўғридан-тўғри боғланиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги кўчалар ва гавжум жойларни 80 дан ортиқ видеокузатув қурилмалари орқали назорат қилиб борамиз. Навбатчилик қисми очилмаган жиноятларни фош этиш бўйича қилинаётган ишлар таҳлилини ҳам юритади. Об-ҳаводаги ўзгаришлар, табиий офатлар, инсонлар ва жониворлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишига оид вазият ҳам диққат марказимизда. Яъни, аҳолини туғилажак ҳар қандай хатардан огоҳ қила олишимиз керак.

Жиззах шаҳар ИИОФМБ ташкилий бўлинмаси навбатчилик қисмига бир сутка давомида мингга яқин қўнғироқлар бўлади. Шу боисдан бу тизимга билимли, хушмуомала, одамлар дардини тинглай оладиган ходимлар жалб этилган. Соҳа вакилларининг ишни тўғри ташкил эта олиши жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, қонунбузарликларга қисқа фурсат ичида чек қўйиш имконини беради.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**
*Жиззах вилояти.*

МАРАФОН

# СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН 5000 ҚАДАМ

**Тошкент вилояти ИИББ томонидан Чирчиқ шаҳрида «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» оммавий юриш марафони ўтказилди. Тадбирда вилоят Ички ишлар бош бошқармаси шахсий таркиби, вилоятнинг мингга яқин 7 дан 70 ёшгача бўлган фаол аҳолиси иштирок этди.**

Марафон аввалида тадбирда сўзга чиққанлар бугун спортни кундалик ҳаётимизга айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этаётганини алоҳида таъкидлашди. Саломатлик билан боғлиқ муаммоларнинг профилактик тадбирлар орқали олдини олиш мумкинлиги, бу борада давлатимиз раҳбарининг эълон қилган тегишли фармони амалий дастур бўлаётгани айтилди.

Шундан сўнг оммавий юриш карвонига старт берилди. Вилоят ИИББ бошлиғи ва вилоят прокурори ҳамда бошқа масъул раҳбарлар бошчилигида марафон иштирокчилари белгиланган ҳудуд бўйлаб 5000 қадамни босиб ўтишди.

Тадбир давомида бугунги пандемия шароитида муҳим бўлган ўпка машқлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи бошқа жисмоний машғулотлар ҳам оммавий тарзда бажарилди.

**Жаҳонгир АБДУЖАЛИЛОВ,**
**подполковник.**



Postda
На посту

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# ЖАВОБГАРЛИКНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ – ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ВОСИТА

Давлатимиз раҳбари томонидан 5 ноябрь куни «Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди.

Хусусан, ЖКнинг 104-моддаси 3 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлашиш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг 33 фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса – уч йилдан беш йилгача озодликдан чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биз шарҳ бераётган қонун билан 104-модда иккинчи қисмидаги «к» банди «к» ва «л» бандлари билан алмаштирилди. Яъни қасддан баданга оғир шикаст етказиш: «л» бандига кўра қуролли ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса – беш йилдан саккиз йилга қадар озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Бу ерда алтернатив (муқобил) жазо тури бўлган озодликдан чеклаш жазоси умуман қўлланилмайди.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш – бу жавобгарлик кучайтирилаётган яна бир хатти-ҳаракат. Хусусан, Жиноят кодексининг 105-моддаси иккинчи қисми диспозициясининг «л» банди «л» ва «м» бандлари билан алмаштирилган.Унга кўра, содир этилаётган пайтда хаёти учун хавфли бўлмаган ва 104-моддада кўрсатилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир тан жароҳати етказиш – уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Янги қонунга асосан, жиноят қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14, 245, 287-моддалари тўлдирилиб, кодексга янги $185^2$ ва $185^3$-моддалар қўшилди. Унга кўра, $185^2$-модданинг биринчи қисмида фуқаролар томонидан жамоат жойларида, касбий фаолиятда ёки спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни очиқ ҳолда (ғилофсиз) олиб юрганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, фуқаровий қуролни, совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёларни жамоат жойларида олиб юрганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Шуниндек, $185^3$-модда билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши тақиқланмоқда. Яъни ушбу модда талабларини бузилса, мазкур ашёларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Янги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонунининг 3 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқланиши белгиланган бўлса-да, бироқ совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёларга таъриф берилмаганлиги мазкур тушунчанинг турлича талқин қилинишига олиб келган. Шу сабабли «Қурол тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёлар деганда жисмоний куч ишлатиш натижасида одамнинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши ёки ўлимига олиб келиши мумкин бўлган хўжалик-маиший ва касбий мақсадларда, ишлаб чиқариш саноати ҳамда спорт фаолиятида фойдаланиладиган тиғли, кесувчан ва бошқа ашёлар, пичоқлар ва бошқа тиғли ашёлар, бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар – чиллакларни назарда тутувчи тушунча киритилди.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 9-моддасига қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда жамоат жойларида, шу жумладан, шаҳар транспортида, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда очиқ (ғилофсиз) ҳолда олиб юришни тақиқловчи норма киритилди.

**Қутбиддин БУРХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

# ВАТАННИ АСРАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

Сўнгги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад замонавий, ихчам, ҳар томонлама профессионал армияни барпо этиш, пировардида эса Ватан сарҳадлари дахлсизлиги, эл осойишталигини ишончли таъминлайдиган армияни шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилган бу каби янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида Қуролли Кучларимиз замонавий ҳарбий техникалар, компьютер технологиялари билан таъминланмоқда, ўқув-спорт базаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланяпти.

Бошқа соҳалар қатори ИИВ Қоровул қўшинлари тизимида ҳам бу борада кенг миқёсли ишлар амалга оширилаётир. Бундай ўзгаришлар мазкур қўшинларга қарашли 7533-ҳарбий қисм фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Ҳарбий қисмда замон талабларидан келиб чиқиб, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жумладан, ҳарбий қисмга тегишли дала ўқ отиш майдони тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди. Бу ерда жойлашган бинода синфхоналар ташкил этилиб, ўқув қўлланмалари, ҳарбий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Ўқув шаҳарчаси ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, муҳандислик-тактик ва махсус тайёргарлигини ошириш учун спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида ИИВ Қоровул қўшинлари миқёсида ўтказилган «Энг илғор касб мутахассиси» танловида ҳарбий қисм махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи командири, капитан Ф. Қўзиев «Энг илғор взвод командири» номинациясида 1-ўринни, ҳарбий қисм командири, подполковник Р. Розумов «Энг илғор қисм командири» номинациясида фахрли 2-ўринни, кичик сержант В. Алиев «Энг илғор сержант» номинациясида 3-ўринни қўлга киритди. Ҳарбий қисм Тиббиёт пункти тиш касалликлари шифокори, тиббиёт хизмати капитани Ф. Холиқов эса ИИВ Қоровул қўшинлари тизимида ўтказилган «Энг илғор китобхон» танловида 2-ўринга лойиқ топилди.





Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, жисмоний ва жанговар шайлигини ошириш мақсадида ҳарбий қисм дала ўқ отиш майдонида улар учун ётоқхона, ошхона, ювиниш хонаси, жанговар ва мерганлик маҳоратини ошириш мақсадида ёпиқ тир, ҳаракатланувчи нишонлар қуриш режалаштирилган.

– «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» муносабати билан ҳар ҳафта ҳарбий қисмда шахсий таркиб иштирокида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш, унинг олдини олиш, кези келганда, ички ишлар органлари ходимларига бу борада кўмаклашиш мақсадида ҳуқуқий, тарбиявий-профилактик тадбирлар уюштирилмоқда, – дейди ҳарбий қисм командири, подполковник Равшан Розумов. – Ҳафтанинг жума куни эса Қарши ҳарбий прокуратураси, ҳарбий суди, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, маҳаллий ҳокимият вакиллари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари таклиф этилиб, «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» шиори остида тарбиявий аҳамиятга молик очиқ мулоқотлар ташкил этиб келинмоқда.

Шунингдек, Қарши шаҳар Шайхали қўрғонида жойлашган мактаблар ҳамда касб-ҳунар мактаби ўқувчиларини жалб этган ҳолда «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди. Унда ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан биргаликда, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Бу эса, келгусида ёш авлод онгида ҳарбийликка бўлган қизиқиш ва кўникмани шакллантириши аниқ.

Бутун дунёни ўз исканжасига олган коронавирус пандемияси даврида ҳарбий қисм тиббиёт пункти ходимлари муддатли ва шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини асраш учун бор куч ва имкониятларини ишга солиб, хавфнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Хавфли вирусга чалинган ходимлар ва карантинга олинган ходимлар белгиланган стандартлар асосида вилоятдаги шифохоналарда даволаниши ташкиллаштирилди. Зарурий дори-дармонлар ИИВ Тиббиёт бошқармасидан мунтазам етказиб берилгани боис, касалликка чалинган барча шахсий таркиб тўлиқ тузалиб, яна хизматга қайтди.

Қаердаки тозалик, озодалик ва саришталик бўлса, ишда барака ва унум бўлади. Шу боисдан ҳарбий қисм ҳудудини ободонлаштириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди: мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Ҳарбий қисм ёрдамчи хўжаликларида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, дарахтларга шакл берилди. Хуллас, ҳарбий қисмга кирган ҳар қандай кишининг баҳри дили очилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбий қисм шахсий таркиби зиммаларидаги вазифаларни шараф билан уддалаб, Ватан тинчлиги, эл осойишталигига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Қашқадарё вилояти.*



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# Она читает тайные знаки

**Криминалистика не прощает ошибок и не терпит ленности ума. Слишком высока ответственность, так как просчеты и недочеты эксперта могут серьезно повлиять на судьбы подозреваемых и потерпевших. Об этом не понаслышке знает старший эксперт экспертно-криминалистического отделения ОВД № 6 УКД ОВД Чиланзарского района майор Светлана Сальникова.**



**Старший эксперт экспертно-криминалистического отделения ОВД № 6 УКД ОВД Чиланзарского района майор Светлана Сальникова. Награждена орденом «Дўстлик»**

Ей это известно, как никому другому. Сегодня она не просто старший эксперт-криминалист, а профессионал с большой буквы. За ее плечами – колоссальный опыт. В январе будущего года исполнится 25 лет с тех пор, как Светлана пришла в органы внутренних дел, из них 10 лет она служит в экспертно-криминалистическом подразделении.

Светлана Сальникова родилась и выросла в Ташкенте. Стезю стража порядка выбрала неспроста – пошла по стопам отца, Юрия Биушкина, который 30 лет жизни посвятил служению Родине и в звании полковника вышел на заслуженный отдых.

Трудовой путь начала в 1996 году в Информационном центре МВД республики в звании рядового и проработала здесь долгие годы. Параллельно окончила заочное отделение Академии МВД по направлению профилактики правонарушений. В 2010 году по предложению руководства стала работать в Главном экспертно-криминалистическом центре МВД Узбекистана, где получила звание лейтенанта.

Многолетняя практика показывает, что иногда только по одному уголовному делу требуется выполнить несколько различных экспертиз. Криминалистика – рутинная работа. Несмотря ни на что, майору С. Сальниковой она нравится – увлекает процесс исследования. Сегодня она один из опытнейших экспертов, у которого учатся, чьим мнением дорожат.

– Светлана Юрьевна – грамотный специалист, обладающий обширными познаниями в самых разных областях и всегда стремящийся узнать что-то новое, – говорит один из учеников – эксперт-криминалист ЭКО ОВД № 8 Чиланзарского района капитан Линар Мухамеджанов. – Она преданна работе и верна служебному долгу. Это человек самых высоких моральных принципов.

Светлана Юрьевна умело сочетает служебные обязанности с семейными. Вместе с подполковником в отставке Андреем Сальниковым они воспитывают троих детей.

– Я люблю свою работу. Нравится чувствовать свою причастность к торжеству справедливости. Горжусь тем, что могу помочь людям, ставшим жертвами преступных посягательств, – признается С. Сальникова. – А еще, работая здесь, подчас становишься свидетелем таких жизненных перипетий, которых не увидишь ни в одном фильме, не прочтешь ни в одной книге.

В связи с Днем сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан Указом Президента нашей страны майор Светлана Сальникова была награждена орденом «Дўстлик».

– Я благодарна за такое высокое признание моего труда, – говорит героиня нашего повествования. – Постараюсь оправдать доверие и работать с еще большей отдачей.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

МЕРОПРИЯТИЕ

# ПРАВОВАЯ ПРОПАГАНДА СРЕДИ МОЛОДЕЖИ



**В рамках Месячника противодействия правонарушениям и совершенствования служебной деятельности в Ферганской области проводятся различные мероприятия.**

В частности, сотрудники Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Ферганской области организовали встречи с молодежью, проживающей в махаллях, расположенных вблизи аэропортов и железнодорожных путей, и учащихся образовательных учреждений.

Сотрудники подразделения по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Фергана» провели беседы с учениками 10 школ и их родителями и рассказали им о правовых последствиях нарушения закона.

– Некоторые учащиеся образовательных учреждений, расположенных недалеко от аэропорта, направляют на взлетающие и приземляющиеся самолеты лучи лазера и самодельных фонариков, – говорит старший инспектор подразделения капитан Шухратжон Райимбердиев. – Мы объяснили детям, что за подобного рода действия налагается штраф от 100 до 200-кратного размера минимальной заработной платы или административный арест сроком на 15 суток.

Проведение подобных профилактических мероприятий служит повышению уровня правовой культуры несовершеннолетних, предупреждению возможных негативных ситуаций.

**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**

ДВИЖЕНИЕ БЕЗ ОПАСНОСТИ

# Профилактика – приоритетное направление деятельности

**Садясь за руль, некоторые водителя забывают о том, что ответственны за здоровье и жизнь других участников дорожного движения. Игнорируя правила, они подвергают опасности и себя, и окружающих. На дорогах настолько все взаимосвязанно, что малейшая ошибка одного из участников дорожного движения может привести к непоправимому.**

Каковы причины происшествий на дорогах?

Ответ прост: несоблюдение установленных правил, неадекватное поведение, неуважительное отношение к другим участникам движения, незнание дорожных знаков. Поэтому в деятельности сотрудников службы безопасности дорожного движения отдельную роль играет профилактика. Агитационно-пропагандистская работа, направленная на профилактику ДТП, установление порядка на дорогах, призыв водителей транспортных средств к дисциплине находятся во главе задач, стоящих перед сотрудниками данного подразделения.



В эти дни сотрудники УБДД УВД Бухарской области, в рамках Месячника противодействия правонарушениям и совершенствования служебной деятельности, а также с целью усиления работы по обеспечению безопасности дорожного движения, предупреждению дорожно-транспортных происшествий, повышению эффективности осуществляемой работы, организуют встречи и беседы с населением. Наряду с этим созданы уголки, учебные классы безопасного движения, которые способствуют изучению правил с помощью наглядных материалов. Также протестированы на предмет пригодности дорожные знаки, устаревшие заменены на новые, некоторые отремонтированы.

Работа в данном направлении продолжается.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ЯНГИ ШАҲАР ҚИЁФАСИ

# ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН НУРАФШОН

## хавфсизлигини таъминлаш икки карра масъулият юклайди



**Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳри бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Шаҳарда кенг ва равон йўллар, кўп қаватли замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Маъмурий бинолар, банк филиаллари, парклар, савдо-кўнгилочар марказлар каби ижтимоий аҳамиятга эга объектлар қурилиши ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда.**



Нурафшон шаҳри расман 2017 йилда ташкил топган. Майдони 3248,2 кв.км., аҳоли сони 48 минг нафардан ошиқ. Корхона ва ташкилотлар сони 890 та. Шунингдек, ҳудудда 22 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, 13 та мактаб, 14 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та шифохона фаолият кўрсатмоқда.

Янгиланаётган Нурафшон шаҳрида осойишталикни сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, шубҳасиз, шаҳар Ички ишлар бўлими ходимларининг алоҳида ўрни бор.

– ИИБ биноси тўлиқ қайтадан таъмирланиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда фойдаланишга топширилди, – дейди шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Сардор Ортиқов. – Бундан руҳланган ходимларимиз янада шижоат ва куч-ғайрат билан хизмат



қилишяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда содир этилганларини аниқлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда бор куч ва имкониятлар ишга солинмоқда.

### ТЕРГОВ ЙЎНАЛИШИ

– Жорий йилнинг 10 ой давомида тергов бўлинмаси томонидан 76 та жиноят иш юритувга қабул қилинди, – дейди шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Мирали Абдураҳмонов. – Тергов ҳаракатлари олиб борилган 73 та жиноят иши тамомланиб, тегишли тартибда суд муҳокамасига юборилди. Жиноят сабабларини бартараф этмагани ва содир этилишининг олдини олмагани учун жойларга 76 та тақдимнома киритилди.



Ҳозирги кунда энг кўп учраётган фирибгарлик жиноятининг янада авж олиб кетмаслиги, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай, айрим фуқароларнинг соддалиги, ўз ҳуқуқини билмаслиги оқибатида ушбу турдаги жиноятлар юз бермоқда. Масалан, яқинда Нурафшон шаҳрининг Бирлик маҳалласида истиқомат қилувчи Э.Ж. Тошкент шаҳар Сирғали туманида жойлашган МЧЖга тегишли «Спарк» русумли автомашинани шаҳарнинг Ойбек маҳалласида яшовчи Ш.Б.га келишув асосида сотади. Автомашина 12 минг АҚШ долларига баҳоланиб, олдиндан 2850 АҚШ доллари берилади. Қолган қисмини эса ўттиз ой давомида, ҳар ойда 200 АҚШ долларидан олишга келишилади. Лекин Э.Ж. 10 ой давомида келишувга кўра 4850 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олади-ю, масъулияти чекланган жамиятга топширишни «унутади». Пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Пуллар МЧЖга келиб тушавермагач, раҳбарият автомашинани фуқаро Ш.Б.дан олиб қўяди.

Суриштирув давомида Э.Ж. «Спарк» автомашинасини бошқариб юриш учун берилган ишончномани сохталаштириб, Ш.Б.га фойдаланиш учун тақдим қилгани маълум бўлади.

### ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда уларнинг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланган «Манзилли режа» доирасида 310 нафар ишсиз йигит-қиз ишли бўлди. Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда уч маротаба меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 33 нафар ёш иш билан таъминланди. Келгусида 3 та лойиҳани молиялаштириш эвазига 32 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар иштирокида турли муаммоли вазиятлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари, семинар-тренинг ҳамда учрашувлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 10 ойи давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 67 та ажрим ёқасига келиб қолган оила яраштирилди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган 50 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда пробация ҳисобида турган жазо муддатини ўтаётган 13 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Яна 3 нафарига тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилди.

### ПСИХОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

– Хизматнинг рисоладагидек ўтиши, фаолият самарадорлигининг ошишида ходимларнинг руҳий ҳолати муҳим ўрин тутади, – дейди шаҳар ИИБ психологик таъминлаш гуруҳи катта психологи, лейтенант Манзура Жумабоева. – Бу борада вазирликнинг тегишли буйруғи талаблари асосида, ходимлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилмоқда. Соҳавий хизмат раҳбарларига қўл остидаги ходимлар билан ишлаш ва хизмат жараёнини бошқаришда тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Шахсий таркибнинг психология борасидаги билимини ошириш, унинг усул ва методларидан самарали фойдалана олиш, экстремал вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида семинарлар ташкил этилмоқда. Салбий хулқ-атворга мойиллиги бор ходимлар ўз вақтида аниқланиб, улар билан психологик суҳбатлар ўтказиляпти. Ходимлар хонадонларига бориб, шахсий ва оилавий муаммоларини ҳал қилишда зарур ҳолларда яқиндан ёрдам берилмоқда.

Шаҳарда олиб борилаётган ўзгаришлар билан танишар эканмиз, фуқароларнинг бу борадаги фикрлари билан ҳам қизиқдик.

– Кўчага чиққанимизда йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини кўп учратамиз, – дейди ўзини Зокиржон Қорабоев дея таништирган фуқаро. – Қурилишлар ва янгиланишлар кўп бўлаётганлиги боис шаҳримизда автоуловлар оқими ҳам кўпайган. Шунинг учун кўчаларда кечани кеча, кундузни кундуз демасдан фаолият олиб бораётган бундай ходимларнинг хизматини қадрлашимиз керак. Ҳар биримиз йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳаракатлансак, ҳуқуқбузарлик ҳолатига дуч келганимизда ўз вақтида уларга хабар берсак, шаҳарни хавфсиз ҳудудга айлантиришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Нурафшон кенгаймоқда, кўркам ва замонавий шаҳарга айланмоқда. Аҳолининг тинч-тотув, хавфсиз ва хотиржам яшашини таъминлашга, жиноятчиликка қарши муросасиз курашишга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга шаҳар ИИБ раҳбарияти астойдил киришган. Бу шахсий таркиб зиммасига икки карра масъулият юклайди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

*Тошкент вилояти.*

ИШЧИ ГУРУҲ ФАОЛИЯТИДАН

# ЭНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАР ҲАМ ЎРГАНИЛДИ

**Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Икрамов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятида бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.**

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан вилоятдаги мавжуд 519 та маҳаллада «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли билан ишлаш тизими, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган фуқаролар яшовчи оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни доимий иш билан таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар батафсил ўрганилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлигида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган текширув якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари масъул ходимлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғилишда мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, вилоят ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Ўз навбатида, иш фаолиятини намунали ташкил этган бир гуруҳ маҳалла фаоллари моддий рағбатлантирилди.

Шунингдек, маҳаллаларда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ички ишлар органлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг узвий ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли билан ишлаш тартиби юзасидан кўргазмали тақдимот ўтказилиб, таклиф ва тавсиялар берилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

УНИВЕРСАЛ ЖАНГ

# ҒАЛАБА МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

**Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда вилоят терма жамоалари ўртасида жорий йилнинг 8–12 ноябрь кунлари универсал жанг бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.**

Унда қатнашган Қоровул қўшинлари терма жамоаси ҳарбий хизматчилари фахрли 2-ўринни қўлга киритишди. Шу муносабат билан Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник Х. Батиров иштирокида 7531-ҳарбий қисмда ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унга кўра, майор А. Бобомурадов, капитан У. Ражабов, лейтенантлар С. Шовриқов, Ж. Амонов, кичик сержант Д. Чориев ҳамда оддий аскарлар М. Маметов, И. Юлдашев, М. Тошмуратов, В. Низомиддинов, Б. Раҳматов ва Ф. Бардошевлар Қоровул қўшинлари қўмондонлигининг эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**



**Бу ёруғ дунё гўзаллигини туйиш, ундан баҳраманд бўлиш, яқинлари дийдорини кўра олиш, ҳатто кундалик оддий юмушларни бажаришда бировнинг қарамоғига муҳтож бўлмай, мустақил ҳаракатлана олиш нақадар улкан бахт эканлигини гоҳо унутиб қўямиз. Афсуски, қандли диабет каби дарднинг шундай асоратлари борки, кишининг кўриш қобилиятини сусттлаштириши ёки батамом сўқир қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.**

# НУРГА ТАЛПИНГАН НИГОҲЛАР





Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган 13 ноябрь – Халқаро кўзи ожизлар куни муносабати билан Бухоро вилояти ИИБ раҳбариятининг ташаббусига кўра, Кадрлар бошқармаси ва Тиббиёт бўлими ходиму шифокорлари ички ишлар органларида бир неча йиллар давомида сидқидилдан хизмат қилиб, ҳозирги кунда пенсияга чиққан, фарзандлар ва набиралар бағрида қарилик гаштини сураётган, бироқ қандли диабет касаллигининг асорати сабаб кўриш қобилияти ўта заифлашган ва ожиз бўлиб қолган I гуруҳ ногиронлари ҳамда бировнинг қарамоғига муҳтож бўлган фахрийларнинг уйларига бориб, улар ҳолидан хабар олишди ва тиббий кўрикдан ўтказишди.

Фахрийлардан қон таҳлиллари олиниб, бир неча турдаги дори-дармонлар, тиббий ниқоблар ва антисептик воситалар бепул тақдим этилди. Шунингдек, улар билан дилдан суҳбат қурилиб, хизмат давридаги ёрқин хотиралар эсга олинди. Ташрифдан бениҳоя мамнун бўлган кексалар дуоси эса қалбларга ёруғлик бахш этди.

**Фаррух УСМОНОВ,**
**катта лейтенант.**

*Бухоро вилояти.*

# ЯНГИ МАСКАНДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*



– Шу йил май ойида бошланган бино қурилиши ноябрь ойи бошига келиб тўлиқ якунига етди. Бинонинг очилиш маросимида Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов иштирок этиб, бу ердаги қулайликлар, ходимлар ва фуқаролар учун яратилган шароитлар билан танишди, – дейди биз билан суҳбатда туман ИИБ ЙҲХ бўлинмаси бошлиғи, капитан Анвар Қўшмуродов. – Бизга шундай қулай шароитни яратиб берган учун вазирлик раҳбариятидан жуда миннатдормиз. Энди барча куч-ғайратимизни аҳолига намунали хизмат қилиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга, юрт осойишталигини муносиб таъминлашга сафарбар этамиз.



Бинода яратилган шароитлар билан танишиб, ушбу маскан ҳали узоқ йиллар туман аҳолисига намунали хизмат қилишига ишонч ҳосил қилдик.

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**«Postda» фотомухбири.**

*Муаллиф олган суратлар.*



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# В ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ ПЕРЕРЫВОВ НЕ БЫВАЕТ



**«…Если мы не будем заниматься воспитанием детей, ежедневно проверять их поведение, давать образование, обучать профессиям, обеспечивать их трудоустройство, сложно будет защитить их от вредных воздействий...»**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

Воспитание детей – это процесс обучения, защиты и заботы подрастающего поколения с целью здорового развития, привития нравственных норм. Это процесс серьезный и ответственный. В нем не может быть перерывов, так как дороги каждые минута, час и день.

Что нужно для того, чтобы дети выросли физически и духовно развитыми?



**Любовь.** Она взращивает в ребенке самые лучшие качества. Маленький человечек понимает, что даже если родители ставят перед ним ограничения или наказывают, они делают это для его же блага. Истинная любовь совмещает в себе мягкость и суровость, строгость и сердечность.

**Благоразумие.** При воспитании нужно учитывать особенности, способности и пределы возможностей. Важно не требовать от ребенка лишнего, но и не попустительствовать ему. Не следует сравнивать детей между собой: каждый – неподражаемая личность, и подход должен быть индивидуальный.

**Последовательность.** Слова родителей не должны расходиться с делами. Если ребенок услышал, что за плохое поведение его накажут, нужно обязательно сдержать свое слово. Не должно быть двойных стандартов. Нельзя учить сына или дочь, к примеру, переходить дорогу на зеленый свет, а самим перебегать на красный.

В современной психологии имеются различные концепции воспитания детей.

Часто родители потакают своим чадам, все позволяя, изо всех сил стараясь, чтобы они были довольными, ставя их в центр внимания. Но когда ребенок выходит в социум, возникают проблемы, сложности в общении, нередко происходит психологический надлом. Подобная потакающая концепция воспитания неприемлема.

Есть взрослые, стремящиеся дать детям максимальный старт для развития. Они стараются заинтересовать их музыкой, рисованием, спортом, хореографией, вокалом и так далее. Развитие творческих способностей и физической активности – дело нужное. Но ребенок не может быть постоянно занят. Из-за того, что от него слишком много ожидают, ему грозит перенапряжение, срывы, заниженная самооценка. К тому же родители, активно развивая малыша, зачастую забывают прививать моральные и этические нормы.

Программирующее поведение родителей выражается в том, что они пытаются вырастить из ребенка того, кем не стали сами, не учитывая при этом желания и способности своего чада. Такое воспитание подавляет, ведет к тому, что в будущем он будет послушным исполнителем чужих желаний.

Есть так называемая эпизодическая концепция. Родители настолько заняты на работе, что на ребенка у них не остается времени. Видятся и разговаривают они с ним мало, в основном задаривают подарками, «откупаются» деньгами. Такие дети привыкают получать от взрослых только материальные блага. Между ними нет близких, доверительных отношений, а их «воспитанием» занимаются, как правило, чужие люди.

При личностно-ориентированном подходе ребенок развивается гармонично. Учитываются его мнения и желания. Детей учат самостоятельности, уважению к другим, выработке собственного мнения, общечеловеческим ценностям. Именно данный вид воспитания издревле практиковался в узбекских семьях, когда ребенка с самых малых лет учили трудолюбию, уважению старших, желанию приносить пользу окружающим.

Наш Президент справедливо и верно утверждает, что отсутствие воспитания и внимания к детям чревато негативными последствиями. В современном мире родители часто заняты решением неотложных проблем, а про детей забывают. И тогда они, предоставленные сами себе, зачастую встают на путь преступлений, создавая проблему не только для семьи, но и всего общества. Поэтому стоит вспомнить о национальных традициях и особенностях воспитания детей.



Созданная народом Узбекистана система воспитания на протяжении многих исторических эпох служила могучим средством передачи социального опыта, накопленного прежними поколениями. Узбекская народная педагогика обладает исключительно богатым фольклорным материалом: эпические поэмы, разнообразные сказки, песни, пословицы и поговорки, загадки. Все они имеют непреходящее познавательное и воспитательное значение, не утратившее своей актуальности и в настоящее время.

Основные принципы узбекской семьи – это святость брака, ответственность взрослых за своих сыновей и дочерей, воспитание чувства долга перед родителями, взаимное уважение и согласие, защита семейной чести и достоинства. Идея труда занимает особое место. Формирование трудолюбия связано со становлением умственной зрелости, физического здоровья, нравственных и эстетических начал в человеке.



За годы независимости Узбекистана исторические культурные ценности и самобытные национальные традиции, в том числе связанные с институтом семьи, не только сохранились, но и получили дальнейшее развитие. Сегодня семейные ценности возрождаются вместе с узбекским народом. В узбекских семьях сохраняются высокий авторитет и уважение к родителям. Большинство наших граждан уверено, что семью можно считать состоявшейся и счастливой, когда в ней есть согласие, мир и спокойствие, взаимопонимание и взаимоуважение, любовь и духовное родство.

Не последнюю роль в воспитании детей играли и продолжают играть стражи порядка. Они первые помощники родителей и преподавателей образовательных учреждений. Цель инспекторов по делам несовершеннолетних и молодежи подразделений профилактики правонарушений – предупреждение правонарушений и преступлений. Их тесная работа с несовершеннолетними направлена на то, чтобы дети, сбившиеся с истинного пути, смогли найти себя, вернуться к нормальной жизни, не потерять связи с родителями, семьей, обществом, своими сверстниками, стать полноправными членами социума и патриотами своей Родины. Для этого по всей стране работают центры социально-правовой помощи несовершеннолетним. Их сотрудники ежедневно помогают многим детям обрести веру в справедливость, надежду на то, что все можно исправить, надо только поверить в себя и пойти правильной жизненной дорогой.

Воспитание – лучшее наследство, гласит восточная поговорка. Мы должны передать это наследство будущим поколениям во имя процветания нашей Отчизны.

**Подготовил Георгий ПЕТРОСЯН, корреспондент «На посту». Фото из архива.**

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# КАТТАҚЎРҒОНЛИКЛАР ИШОНЧИ МЕНГА КУЧ БЕРАДИ

**Аёл нозик елкаларида дунё юкини кўтара олади. У чўлда гулзор, даштда боғ яратишга қодир. Унинг қалбидаги иштиёқ, ғайрат-шижоатдан оиласи обод, жамият фаровон. Бу таърифнинг ҳаётий ифодаси бугун юртимизда раҳбарлик лавозимларида масъулият билан меҳнат қилаётган аёллар тимсолида янада яққол кўзга ташланади.**

**Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ҳокими Гавҳар Алимова ҳам гоҳ дала бошида, гоҳ қурилишда, яна бошқа пайт турли қабулу тадбирларда, хуллас, ҳар доим халқнинг қувончу ташвишларига шерик раҳбар аёллардан. Халқни рози қилишдек хайрли мақсадни фаолиятининг бош мезони, деб билган ҳоким опа билан суҳбатимиз самимий кечди.**



*Гавҳар Алимова Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Жомбой туманидаги 16-мактаб йўриқчилигидан бошлаган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси мутахассиси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.*

*2018 йилдан Самарқанд вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.*

*2020 йил 6 мартдан – Каттақўрғон шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи.*

**– Сиз узоқ йиллардан буён турли ташкилот ва идораларда раҳбарлик лавозимларида, сенатор сифатида фаолият юритдингиз. Ҳозир эса Каттақўрғон шаҳрининг ҳокимисиз. Янги лавозим илгаригиларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Қай бирининг масъулияти кўпроқ, залворлироқ?**

– Маҳалла тизимида қарийб 30 йил ишладим. Агар таъбир жоиз бўлса, маҳалла менинг юрагимга кўчди. Шу йилларда зиммамга юклатилган ҳар бир вазифани масъулият билан бажаришга ҳаракат қилдим. Қайси лавозимга тайинланмайин, аввало, уни менга билдирилган катта ишонч, деб билдим. Каттақўрғон шаҳар ҳокими этиб тайинланганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо халқни рози қилишдек масъулиятни ҳар он қалбимдан ўтказаман. Айниқса, Президентимизнинг «Ишонаман — аёллар раҳбар бўлган туманларда адолат байроғи бошқача ҳилпирайди. Биз ҳокимликка сайланган раҳбар аёлларимизга доим ёрдам берамиз, елкадош бўламиз», деган сўзлари кундалик вазифаларимни бажаришда ҳам, фаолиятим давомида дуч келадиган муаммоларни ҳал этишда ҳам менга куч-қувват бериб, ўзимга бўлган ишонч туйғусини оширади.

**– Ҳудуддаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш йўлида қандай истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда?**

– Каттақўрғон шаҳрида 2020–2021 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришнинг янги дастури доирасида умумий қиймати 819,5 миллиард сўм бўлган 117 та янги инвестиция лойиҳаси шакллантирилди. Жорий йил якунига қадар умумий қиймати 229,3 миллиард сўмлик 51 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида қўшимча 598 та янги иш ўрни яратилади. Бугунги кунга қадар 23 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Хусусан, «Classic Motors Power» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси томонидан «Дизель ёқилғиси ишлаб чиқариш» лойиҳаси, «Каттакурган Ойл» МЧЖ томонидан эса «Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш» лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши шаҳар Ички ишлар бўлими, яъни 3-сектор томонидан фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ечимини кутаётган турли масалаларга тўлақонли ёндашиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**– Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича қандай лойиҳалар амалга оширилмоқда?**

– Ушбу йўналишдаги ишларни жонлантириш мақсадида «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар шаҳардаги саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишга жойлаштирилияпти, шунингдек, 2020–2021 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларига жалб этилмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуд профилактика инспектори аҳолининг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб, турмуш шароитини яхшилашда ваколати доирасида профилактик тадбирлар олиб бормоқда.

Шу ўринда ҳудуднинг салоҳиятидан келиб чиқиб, келгусида ишларни тизимли ташкил этиш борасида «драйвер»лар (иқтисодий ўсиш нуқталари) тасдиқлаб олинганини айтиб ўтишим керак. Мазкур драйверлар доирасида мавжуд меҳнат ресурслари ҳамда ихтисослашувига кўра, табиий захиралардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ҳунармандчиликни ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**– Ўтказилган сайёр қабулларда фуқароларни қийнаб келаётган қайси муаммолар сизни кўпроқ ташвишга соляпти?**

– Фуқароларимизнинг дарду ташвишларидан бохабар бўлиш ва ўз вақтида уларни қийнаб келаётган муаммолар ечимини топиш аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Сайёр қабулларда фуқаролар асосан уй-жой билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф этишда амалий кўмак сўрашади. Энг ачинарлиси, оилавий муаммолар ва алимент масалаларида ҳам мурожаатлар келиб тушмоқда.

**– Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича қандай чоралар кўриляпти?**

– Мурожаатларни ижобий ҳал этишда мутасадди ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда тизимли ишларни амалга оширмоқда. Масалан, «Ўрикзор» МФЙда яшовчи М. Қудратованинг оилавий шароити Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, унга моддий ёрдам ажратилди. Ғарб мачит маҳалла фуқароларининг ушбу ҳудудда жойлашган Д. Эшбеков кўчасини таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилди.

Ушбу МФЙда яшовчи Ҳ. Эшқулованинг фарзанди бетоблиги, яшаш шароити оғирлиги, уй сотиб олиш учун моддий маблағи йўқлиги масаласида қилган мурожаати зудлик билан назоратга олиниб, саховатпеша табдиркорларни жалб этган ҳолда, 2 хоналик уй қуриб берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**– Шаҳарда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда?**

– Каттақўрғон шаҳридаги мавжуд 36 та маҳалла осойишталиги учун профилактика инспекторлари кечаю кундуз хизматда. Улар маҳалла раислари билан биргаликда бириктирилган ҳудуддаги ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқиш ва тегишли хулоса чиқаришда энг ишончли ҳамкор. Шу ўринда бу ҳамкорликнинг ижобий томонлари ҳақида тўхталадиган бўлсам, ўтган йилнинг шу даврига қадар оилавий ажримлар сони камайишига эришилди.

Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор лавозими жорий этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ҳудуддаги хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш каби амалий ишларда бу тузилманинг ўрни яққол сезиляпти.

Хусусан, шаҳар ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторининг саъй-ҳаракатлари билан 25 нафар пробация гуруҳи рўйхатида турган, ишлаш истагини билдирган хотин-қиздан 12 нафари доимий иш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишлари билан таъминланди. Шаръий никоҳ асосида оила қуриб, баъзи бир сабабларга кўра, ажрим ёқасига келиб қолганларнинг ҳуқуқий ва моддий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Аёллар маслаҳат маркази», оила-турмуш доирасидаги зўравонликлардан жабр кўрган хотин-қизлар учун реабилитация маркази ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий ажримлар сонини камайтиришга қаратилган эътибор ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг муҳим омиллардан, десам, тўғри бўлади. Биринчидан, бирор тайин иши бор инсон жиноят кўчасига кирмайди. Балки ҳалол топган даромадига ҳаёт кечиради. Иккинчидан, оилада соғлом муҳит ҳукмрон бўлса, шу оиланинг бирорта аъзоси ҳуқуқбузарлик ҳақида ўйламайди, жиноятчилик деган боши берк кўчанинг яқинига йўламайди. Шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасида ўтказилаётган профилактик тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборат.

**– Аёл киши учун раҳбарлик лавозимида ишлашнинг қандай қийинчиликлари бор? Оила даврасида дам олишга вақт топа оласизми?**

– Бу йил ҳар биримиз учун синов йили бўлди. Пандемия олдимизга саломатликни асраган ҳолда, имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, керак бўлса, янги ечимлар топишдек муҳим масалани қўйди. Тиббиёт ходимлари ўз билим ва тажрибаларини ишга солди. Карантин қоидалари тарғиботида ички ишлар органлари ходимлари кечаю кундуз собит турди. Каттақўрғон аҳли билан бу синовни елкама-елка енгиб ўтдик...

Бундай залворли масалалар ечимини топиш, раҳбарликнинг ўзига хос масъулияти, зиммамизга юклатилган вазифалар ҳар қандай мутасадди инсонни бир қадар чегаралайди. Шу боис оила даврасида кам бўламан. Аммо инсон ўз касбини севса, қилаётган ишлар идан қувонса, одамларга нафи тегса, уни оиладагилар қўллаб-қувватласа, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтса бўлади. Гарчи орадан қисқа вақт ўтган бўлса-да, бошлаган ишларимиз ўз самарасини бера бошлади, энг муҳими, каттақўрғонликлар мени қўллаб-қувватлаб, ўзгаришлардан хурсанд бўлмоқда. Уларнинг ишончи менга янада куч беради.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**
**суҳбатлашди.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ



**Ўша машҳур ривоятни яна ёдингизга соламан: уч-тўрт кунлик чақалоғини кўтариб келиб, «Фарзандли бўлдим, энди уни қандай тарбиялай?» деган савол билан юзланган йигитга Ибн Сино «Тарбияда тўққиз ойга кечикибсиз!» дея жавоб берган экан. Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси тасаввурларимиздагидан-да жиддий масалаки, унга эътиборни она қорнидалигидаёқ бошлаш керак, дея уқтиришган аждодларимиз.**

Рисоладагидек фарзанд кўришни, уни чин инсон қилиб тарбиялашни истаган киши ишни, аввало, дилбандига муносиб она (ота) топиш ва уни қайта тарбиялашдан бошлаши керакдек, назаримда. Касбим тақозосига кўра, айни турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизлар билан ишлайман ва хулосаларимга кўра айта оламанки, уларнинг аксарияти ҳали фарзанд тарбиялаш, оила масъулиятини англаб етишмайди. Ваҳоланки, оила қуриш, авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш «Бошига тушса, эплаб кетади», қабилидаги таваккал асосига қуриладиган иш эмас.

Ҳозирги ёшларнинг ҳаёти кўп ҳолларда виртualликка асосланган, улар телефон ёхуд ижтимоий тармоқларсиз умрининг бир кунини ҳам тасаввур эта олмайди. Аммо биологик ва ижтимоий нормаларга кўра, турмуш қуриш шарт экан, унинг илк босқичи, айни дамда шарафли масъулият – ота-она бўлишга келин ва куёвни тайёрлаш оиланинг катталаридан бироз сабрни талаб этади. Авлоднинг жисман соғлом, маънан пок бўлиши орзуси учун бобо-бувиларимиз бироз қийинчиликни зиммаларига олмоқлари шарт.

Болани ҳеч қачон қўрқитманг, «ана бобов келди», «дўхтир укол қилади» каби беихтиёр ёдга келадиган ёлғонларимиз орқали боланинг руҳиятига қаттиқ зарба берамиз.

## Маърифат – энг асосий пойдевор

Фарзанд туғилгунга қадар ота ҳам, она ҳам фақат яхшиликлар, ширин хаёллар ва эзгу ниятлар билан банд бўлиши учун уларнинг имкон қадар электрон матоҳлардан узоқроқ бўлишини таъминлаш лозим. Шундай қила олсак, онанинг жисмини нафақат салбий нурлардан сақлаймиз, қолаверса, унда вақт исроф бўлишининг олдини оламиз. Тежалган вақтда она кўпроқ китоб ўқиса, болажон она қорнидаёқ маърифат нималигини ҳис қилади. Шундагина туғилажак набирани тарбиялашнинг иккинчи босқичи шараф билан уддаланади.

## Ўргатганингизни эмас, қилганингизни такрорлайди

Бола ўргатганингизни эмас, қилганингизни такрорлашини унутманг. Шунинг учун болага ҳеч қачон ёлғон гапирманг. Ваъда бердингизми, бажаринг, вазиятдан қутулиш учунгина сўз берманг. У сўраётган ишни бажаришга имконингиз йўқми, у тушунадиган тилда оддийгина қилиб сабабини айтинг. Бола бошида бироз инжиқланиши мумкиндир, аммо бора-бора бундай тушунтиришларга кўникади.

Болани ҳеч қачон қўрқитманг, «ана бобов келди», «дўхтир укол қилади» каби беихтиёр ёдга келадиган ёлғонларимиз орқали боланинг руҳиятига қаттиқ зарба берамиз. Бола мана шу пайтдан бошлаб қўрқоқликка одатланади, ўзи тушунмаган ҳолда, номаълум нарсалардан хавотирланишга, қўрқувга одатланиб қолади. Келажакда у мана шу руҳий босимни доимо ҳис қилиб яшайди, ҳақиқатни айтиши керак бўлган ўринда, ичига ютади. Ҳақсизликни табиий қабул қила бошлайди. Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрларини ёдга олсак:

*Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз,*
*Бобов келди, деб кўрпага беркитмангиз,*
*То улғайиб, дуч келганда «бобов»ларга,*
*Ўхшамасин итдан қўрққан соқовларга.*
*Болаларни шаддодликка ўргатмангиз,*
*Раҳмсизлик, бедодликка ўргатмангиз.*
*То улғайиб, дуч келганда инсонларга,*
*Ўхшамасин андишасиз шайтонларга...*

Болани арзимас ишлар учун жазоламанг! Дейлик, эҳтиётсизлиги сабаб пиёлани синдириб қўйди. Унга пиёлани синдирганидан эмас, идишнинг синган бўлаги уни жароҳатлаши мумкинлигидан ташвишланишингизни, шунинг учун ҳаракатларига эҳтиёткор бўлиши кераклигини тушунтиринг. Арзимас сабабларга кўра жазоланувчи болалар келажакда меҳрсиз ва бешафқат бўлиб улғайишади.

Ушбу қоидаларга болажон беш ёшга етгунга қадар амал қилишингиз мумкин. Аммо тарбия жараёнида беш ёш услубларни ўзгартиришингиз учун яхши сигналдир. Беш ёшдан сўнг тарбиянинг бошқа турларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Хусусан, бадан тарбияси, руҳий тарбия, ақл ва фикр тарбияси, ахлоқий тарбия, ирода тарбияси, сўзлашув тарбияси, меҳнат тарбияси баб-баравар олиб борилиши шарт.

Мана шу даврдан бошлаб фарзанд билан қатъий меъёрлар асосида мулоқот олиб бориш талаб этилади. Болада шу ёшдан бошлаб масъулият ҳиссини шакллантиришга, ўзининг ҳар бир иши учун жавобгарликни ҳис қилишига шароит яратинг ва талаб қилинг.

## Бола ота-она қўлида бир омонатдир

Бу борада донишмандларимизнинг қуйидаги ўгитларини ёдда тутинг: «Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади». Демакки, фарзанднинг жисм ва руҳ тарбиясида собит туриш, уни тўғри йўналтириш ота-онанинг асосий вазифаларидандир.

...Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади...

Кўпчилик ота-оналар фарзандининг ҳамма талаб ва истакларини бажариш орқали идеал ота-она бўлиш мумкин, деб ҳисоблашади. Аммо бола пул тўлдирадиган идиш эмаски, унинг эҳтиёжларини фақатгина иқтисодга боғласак. Болада иқтисодий эҳтиёжлардан ташқари, руҳий, маънавий, ирфоний эҳтиёжлар ҳам борки, уни қондиришда ота-она иштирок этмаса, исталган киши бу вазифани эгаллашга уриниши мумкин. Ўзига номуносиб дўст, тарбияси номақбул жуфт, энг ёмони, уни ўзига шерик қилишга интилувчи қора ниятли кишилар фарзанд атрофида пайдо бўлиб, ана шу бўшлиқнинг ўрнини тўлдириб олишади.

«Отам билан гаплашиб ўтиришни, режаларимни маслаҳатлашишни истардим. Бироқ у ҳар доим биз учун ишлаётганини, жуда толиққанини такрорлашдан чарчамасди, – деган эди бир неча йил аввал пробация хизмати назоратида турувчи Ҳасан исмли ўсмир. – Уйда ҳамма шароитни – компьютер дейсизми, интернетми, барчасини муҳайё қилиб берганди. Хуллас, компьютерни яхши билганим учун мен ҳам интернетда пул топишга қизиқдим. Виртуал дўстлар топиб, иш бошладим. Ишимиз тармоқли маркетингга асосланган эди. Бир муддат пул ишладим, бироқ буларнинг ҳаммаси тузоқ бўлганлигини шерикларим бор пулларни ўзлаштириб, изсиз йўқолиб қолгач, тушундим. Жавобгарлик эса менинг зиммамда қолиб кетганди. Агар вақтида ота-онам билан ҳар бир ишимни маслаҳатлашиб қила олганимда, шунча муаммолар йўқ эди...»

Дарҳақиқат, аксарият ота-оналар пулдан қийналмаса бўлди, қолганининг ўрнини тўлдирса бўлади, деб ўйлашади. Фарзандларини қариндошларда қолдириб, ўзлари пул ишлаб топиш учун хорижга йўл олишади. Болалар эса на ота-она меҳрига қонишади, на улардан тарбия олишади. Ваҳоланки, халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикмати бежиз яралмаган.



Бугун оталари изидан бориб, ички ишлар органлари ходими сифатида юртимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлигини таъминлаётган ёки шундай эзгу мақсадлар билан улғаяётган ёшлар бу ҳикматнинг ижобий хусусиятларини намоён этмоқда. Агар ички ишлар органлари ходими дилбандининг нозик қўлчаларидан ушлаб, хиёбон узра кезаркан, мана шу осудаликни, кўзларни қувнатувчи гўзалликни, қалдирғочлар эмин-эркин парвоз қилаётган беғубор осмонимиз, шу азиз заминни севиш, ардоқлаш ва асраб-авайлаш келажакда унинг бурчига айланишини норасида боласининг онгига сингдира олса, билингки, порлоқ келажагимиз ҳам, она Ватан муҳофазаси ҳам ишончли қўлларда бўлади.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси.**

www.postda.uz   t.me/postdarasmiy   www.facebook.com/postdauz   www.instagram.com/postda_uz

## 18 НОЯБРЯ – ДЕНЬ ПРИНЯТИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФЛАГА

# «Наш флаг – наши честь и гордость»







**В честь 29-летия принятия Государственного флага Республики Узбекистан в центре столицы прошла оздоровительная акция – полумарафон на дистанцию 3 км под девизом: «Наш флаг – наши честь и гордость». Организатором забега выступило Главное управление внутренних дел города Ташкента.**

Спортивное мероприятие прошло в Мирабадском районе столицы. Свыше 1000 человек, среди которых были сотрудники органов внутренних дел с членами их семей, а также жители и гости столицы, стартовали с пересечения улиц Нукусская и Ойбека.

Отрадно, что в забеге принимали участие и зарубежные гости.

– Я рад был участвовать в полумарафоне, – делится впечатлениями предприниматель из Индии А. Агарвал. – Работаю на узбекско-индийском предприятии. Увидев, что среди участников есть маленькие дети, пришел в восторг. Все так хорошо организовано. У вас любят спорт. Это хорошо

Состоялась церемония награждения победителей дипломами и ценными подарками. Ценные подарки получили от ГУВД столицы и спортивные судьи мероприятия.

Отрадно, что в числе тройки победителей – сотрудник МООН ГУВД г. Ташкента.

**Равшан МУХИДДИНОВ.**



В войсковой части № 7531 Караульных войск МВД Республики Узбекистан состоялось духовно-просветительское мероприятие на тему «Флаг моей страны – моя гордость». В мероприятии приняли участие представители Союза писателей республики, Государственного института искусств и культуры, работники канала «Махалла», лауреаты Государственной премии имени Зульфии.

Главный редактор журнала «Шарк юлдузи» – «Звезда Востока» Сирожиддин Раупов рассказал о том, какое значение имел флаг в период правления Амира Темура. Корреспондент канала «Махалла» Шахриёр Ибрагимов остановился на героизме Джалоліддина Мангуберди. Преподаватель кафедры национального песенного искусства Государственного института искусств и культуры Узбекистана Алишер Жабборов исполнил песню о Родине.

Выступление Ансамбля песни и танца Караульных войск подарило всем присутствующим праздничное настроение.

**АБУ КЕНЖАЕВ,**
**фотокорреспондент «Postda».**



Фото с мероприятия, проведенного в Хорезмском академическом лицее МВД Республики Узбекистан.

## ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ

# Каждая семья – в центре внимания

**Инспектора по вопросам женщин УПП УВД Хорезмской области наряду с ранним предупреждением преступности и правонарушений уделяют особое внимание социальной поддержке населения.**





Не так давно в городе Ургенче заработал швейный цех, в котором трудятся 50 женщин. Постельное белье и защитная спецодежда, производимые ими, доставляются в больницы области. При содействии органов внутренних дел были обеспечены постоянной работой еще 25 безработных женщин, их семьи получили дополнительный источник дохода.

Важные задачи решаются даже в самых отдаленных районах области.

– Несколько лет я не работала, – говорит Муаззам Усмонова из Шавата. – Благодаря содействию сотрудников подразделения профилактики правонарушений Шаватского РОВД обрела постоянное место работы.

**Дилноза БОГИБЕКОВА,**
**заместитель начальника УПП УВД Хорезмской области, майор.**
**Фото Садуллы АБДУЛЛАЕВА.**

## ТРЕТИЙ СЕКТОР

# ЖИТЬ ЗАБОТАМИ ЛЮДЕЙ

**В целях изучения проблем, волнующих население, руководитель третьего сектора по социально-экономическому развитию Кумкурганского района начальник РОВД подполковник Уткир Шукуров проводит выездные приемы и встречи с жителями вверенной территории.**

Лучший способ предупредить преступность и правонарушения – обеспечить занятость населения. В связи с этим, с начала года в районном ОВД были проведены четыре ярмарки вакансий. За счет 15 проектов, реализованных в регионе в области сельского хозяйства, промышленности и сферы услуг, было создано 114 рабочих мест. А в махалле Шерози на трех гектарах возводится ферма, на которой запланировано выращивать 1000 голов кроликов. Работой будут обеспечены в общей сложности 24 человека. Строительством занимается руководитель фермерского хозяйства «Тойлок баракали куёнлари» Жамшид Турахонов.

Работа по решению проблем населения продолжается.

**Феруза РАХМОНКУЛОВА,**
**корреспондент «Postda».**
*Сурхандарьинская область.*

ОГОҲЛИК

# ВИРТУАЛ ОЛАМ: ФИРИБГАРЛИК ВА ХАТАРЛАР

**Замонавий технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган даврда яшамоқдамиз. Бу бизга кундалик ҳаётимизда, иш фаолиятимизда қатор қулайликлар яратмоқда. Айниқса, интернет орқали кўплаб юмушларимизни тезкорликда бажаряпмиз. Афсуски, танганинг иккинчи томони бўлганидек, ҳозирги кунда айрим кимсалар виртуал олам имкониятларидан ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишда фойдаланишаётгани ҳам бор гап.**







**Гуруҳга янги аъзоларни қўшиш гуруҳ шартининг асосий қоидаси бўлиб, маълум муддатдан сўнг «Zarina Uyda qoling» деб аталган профил эгаси унга «Кўп аъзо қўшганингиз учун 166 минг сўмга эга бўлдингиз», деган хабарни юборади. Ушбу маблағни олиш учун эса ундан банк пластик картаси рақами ва амал қилиш муддатини кўрсатган ҳолда суратга олиб жўнатишини ҳамда телефонига келган SMS хабарда кўрсатилган махфий кодни айтишни сўрайди.**

Бугун сиз ва биз дуч келишимиз мумкин бўлган интернет билан боғлиқ жиноий ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин. Улар орасида уяли телефондаги фирибгарлик, яъни телефон фишинги алоҳида ажралиб туради. «Фишинг» инглизча сўз бўлиб, «балиқ тутиш» деган маънони билдиради. Бу фойдаланувчиларнинг конфиденциал маълумотларини қўлга киритиш билан боғлиқ фирибгарлик тури саналади.

Телефон фишингида фирибгарлар жабрланувчиларга қўнғироқ қилиб, келтирган важларини ишончли тарзда етказиш орқали уларнинг ишончига киришга ҳаракат қилишади. Тўлиқ ишончга эришганидан сўнг фойдаланувчиларни банк тўлов карталари ва ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни айтишга ёки пул маблағларини бошқа ҳисоб рақамига ўтказишга ундашади. Бундан мақсад тўғридан-тўғри пул маблағларини ёки ҳисоб рақамини бошқариш имкониятини қўлга киритишдир.

Мисолларга келадиган бўлсак, жорий йилнинг апрель ойида Қўнғирот туманида яшовчи С.Р. ўзининг «Самсунг А50» русумли уяли телефони орқали «Телеграм» мессенжеридаги «Уйда қолинг!» деб номланган гуруҳга аъзо бўлади. Бу гуруҳ шарти гуруҳга янги аъзоларни қўшиш бўлиб, маълум муддатдан сўнг «Zarina Uyda qoling» деб аталган профил эгаси унга «Кўп аъзо қўшганингиз учун 166 минг сўмга эга бўлдингиз», деган хабарни юборади. Ушбу маблағни олиш учун эса ундан банк пластик картаси рақами ва амал қилиш муддатини кўрсатган ҳолда суратга олиб жўнатишини ҳамда телефонига келган SMS хабарда кўрсатилган махфий кодни айтишни сўрайди.

Сўралган маълумотларни жўнатган С.Р. катта хатога йўл қўйганини кейинроқ англаб етади. Боиси, унинг банк пластик картаси ҳисобида бўлган 6 миллион 363 минг сўм номаълум шахслар томонидан «ечиб» олинган эди. Фуқаро ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этишга мажбур бўлади. Ҳолат юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни амалга оширган кимса Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи А.Д. экани аниқланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.



Шунингдек, Нукус шаҳрида яшовчи Ж.Б. ҳам шу каби телеграм каналларидан бирига аъзо бўлиб, шартга кўра, бир нечта танишларини унга аъзо қилади. Унга ҳам ютуққа эга бўлгани ҳақида ва пулни кўчириш учун пластик картасини суратга олиб юборишини сўраб хабар жўнатишади. Сўралган суратни жўнатган Ж.Б.га бошқа пластик картаси бўлса, шунинг суратини юборишини сўрашади. Бунинг сабаби шунда эдики, фирибгарлар унинг пластик картасида жуда катта миқдорда пул маблағи борлигини билиб улгуришганди.

Маълумки, ҳозирги кунда деярли барчамизда интернет тармоғига кирадиган уяли телефонлар мавжуд. Бундан ташқари, стационар компьютер, ноутбук, планшет ва бошқа қурилмалар интернет тармоғида маълумот алмашиш ва ишни ташкил этишда асосий қуролимизга айланиб улгурди. Улардан фойдаланаётганда турли фирибгарлик ҳолатларига тўқнаш келишимиз мумкин. Демак, улар асосан қуйидагилардир:

– сизга нотаниш шахс ўзини хориж фуқароси дея таништириши, шунингдек, электрон почтангизга хабар жўнатиб, ишга таклиф этиши, пул юбориши мумкинлиги ҳақида билдириши мумкин. Фақат бунинг учун у маълум миқдорда маблағ жўнатишингизни сўрайди. Бунга асло ишонманг;

– валютани электрон тарзда алмаштириш ҳозирда энг кўп тарқалган фирибгарлик турларидан бири ҳисобланади. Чунки интернет тармоғида хориждаги буюмларни харид қилиш учун онлайн буюртмалар бериш имконияти мавжуд. Фирибгарлар ижтимоий тармоқларда, айниқса, «Телеграм» мессенжерида сўмни бошқа хориж валютасига алмаштириши мумкинлигини айтиб, пулингизни онлайн олиши ва кейин сиз билан алоқани узиб қўйиши мумкин;

– электрон эълонлар майдончаси. Бунда, аввало, сизнинг бу ерга жойлаштирган нарсангиза харидор сифатида SMS орқали ўзини таништириб, сўнг чет эл телефони рақамидан қўнғироқ қилиб, савдолашмасдан пул маблағи жўнатиш учун банк пластик картангизнинг махфий кодини сўрашади. Махфий кодни қўлга киритишгач эса, пластик картангиздаги маблағни осонгина «тортиб» олишлари мумкин.

Бундан ташқари, фирибгарларнинг фото ёки видео ёзувлар орқали таҳдид қилиш ҳолатлари ҳам, кам бўлса-да, учраб туради. Бунда фирибгар фуқароларнинг профилидаги фото ёки видео ёзувларни қайта монтаж қилиб, ижтимоий тармоқда тарқатишини айтиб таҳдид қилади ва пул сўрайди.

Таъкидлаш керакки, ахборот-коммуникация турлари ривожланиб бориши билан виртуал дунёдаги жиноят турлари ҳам такомиллашиб боради. Боиси, жиноятчилар амалиётга жорий этилаётган ҳар қандай янгилик ёки технологиянинг камчилигини, ожиз томонини излайди. Билингки, юз фоиз ҳимояланган тизимнинг ўзи йўқ. Шундай экан, юқоридаги ҳолатларга тушмаслик учун ҳеч қачон бегона кишиларга пластик картангиз ҳақида маълумотларни берманг. Агар онлайн савдо ёки пул ўтказиш зарурияти пайдо бўлса, буни ишончли манба орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Огоҳ бўлинг, осонгина мўмай пулга эга бўламан, деб фирибгарлар тузоғига тушиб қолманг.

**Ислам ХАЛИЕВ,**
**лейтенант.**
**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

# ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:



## МОЛОДЕЖНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ

В ноябре текущего года в Ташкенте был объявлен Месячник молодежи, в рамках которого в студенческом городке, расположенном в Алмазарском районе, состоялся фестиваль под девизом: «Новый Узбекистан – новое мировоззрение». Его организаторами выступили столичный хокимият, Управление Национальной гвардии по г. Ташкенту, Ташкентское городское управление Агентства по делам молодежи Узбекистана.

В мероприятии участвовали Образцовый военный оркестр Национальной гвардии, военнослужащие подразделения почетного караула, курсанты Военно-технического института, учащиеся школ «Темурбеклар мактаби» и Республиканского специализированного музыкального академического лицея.

Большое впечатление на присутствующих произвели выставка современного оружия и военной техники, показательные выступления военнослужащих. Концерт, подготовленный военным оркестром Национальной гвардии и Академии Вооруженных Сил и районным управлением культуры, никого не оставил равнодушным.



Благодаря фестивалю, учащиеся смогли ознакомиться с системой Вооруженных Сил и непосредственно пообщаться с военнослужащими.



## ГРАНИ СОТРУДНИЧЕСТВА

9 ноября текущего года состоялась онлайн-видеовстреча командующего Национальной гвардией генерал-майора Р. Джураева с Чрезвычайным и Полномочным Послом США господином Дэниелом Розенблюмом.

Генерал-майор Р. Джураев отметил, что в последние годы стратегическое партнерство между Узбекистаном и США развивается в различных областях, в том числе и в сфере безопасности и военного сотрудничества.

В свою очередь, Посол США в Узбекистане Д. Розенблюм подчеркнул, что взаимные визиты делегаций по вопросам безопасности и военного сотрудничества, а также совместные практические мероприятия по обмену опытом, проходят на высоком уровне.

В ходе беседы стороны обменялись мнениями о перспективах дальнейшего сотрудничества, выразили удовлетворение состоявшимися переговорами.

Встреча прошла в открытой и дружественной атмосфере.



## ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ

Недавно состоялся онлайн-прием военнослужащих и сотрудников территориальных подразделений Национальной гвардии, дислоцирующихся в Бухарской области. Мероприятие проходило под председательством командующего Национальной гвардией генерал-майора Р. Джураева с участием прокурора области У. Абдурахимова, заместителя хокима М. Хамроева, заместителя начальника Управления содействия занятости населения М. Саидова, начальника Агентства государственных услуг Б. Жамолова, руководителей партнерских организаций.

Были заслушаны обращения военнослужащих, сотрудников и членов их семей, касавшиеся, в основном, вопросов социальной защиты. Поступившие обращения рассматривались командованием Национальной гвардии и ответственными руководителями соответствующих органов и учреждений. Определены задачи по их совместному решению.

## МЕДОСМОТР – ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОЙ СЛУЖБЫ

На днях в Центральной многопрофильной поликлинике Чиланзарского района прошло углубленное медицинское обследование военнослужащих Управления Национальной гвардии по городу Ташкенту и членов их семей.

Осмотр прошли 150 семей. Выявленные изменения в здоровье супругов и детей военнослужащих были взяты на соответствующий учет, приняты меры для их лечения.

Военнослужащие Национальной гвардии выразили благодарность врачам и вручили им грамоты.

**Нозима МАХМУДОВА,**
**лейтенант.**



# ПРОФЕССИЯ – СПАСАТЬ ЛЮДЕЙ

**Мы часто пишем о сотрудниках, отмеченных наградами Родины, ушедших в отставку ветеранах, отличившихся стражах порядка. Но сколько обычных, не известных широкому кругу правоохранителей служат, ответственно выполняя свое дело, спасая жизни соотечественников.**



Сегодня на передовой борьбы с COVID-19 находятся врачи. Один из них – анестезиолог-реаниматолог медицинского центра «Назарбек» Бобур Сулаймонов, как и тысячи его коллег, каждый день совершает маленький подвиг – возвращает тяжелобольных к жизни.

Бобур окончил Каршинский медицинский колледж и Ташкентскую медицинскую академию, два года проходил ординатуру в Республиканском центре экстренной медицинской помощи. Желание стать военным врачом появилось у него, когда проходил срочную службу в пограничных войсках. С августа нынешнего года он работает в медицинском центре «Назарбек», находящемся в ведении Национальной гвардии Республики Узбекистан, специализирующемся на лечении больных COVID-19.

– Я врач-реаниматолог реанимационного отделения центра, – поделился Бабур. – Мой наставник – профессор Тешаев Октябрь Рухиллаевич – специалист высочайшей квалификации, опытный хирург. На его примере я учусь работать с пациентами, находить подход к каждому, постигать культуру общения с больными, медицинскую этику. Во многом его наставления помогают мне выводить людей из тяжелого состояния.

– Хочу сказать большое спасибо Бобуру, – со слезами на глазах поделилась одна из больных, Эльмара опа. – Мне 90 лет, было 64 процента поражения легких. Он дежурил в приемном отделении, когда меня привезли в центр. Мне было так плохо, я думала, что уже не вернусь домой. Но он подошел, взял за руку и сказал: «Мы вас вылечим!», и я поверила. Оказывается, в таком состоянии важны не только лекарства, но и доброе слово, уверенность врачей, которая переходит и к пациенту.

По словам коллег, Бобура Сулаймонова отличают высокий профессионализм, умение поддержать в трудную минуту, найти подход к каждому человеку. Эти качества необходимы не только в службе, но и в семейной жизни. Вместе с женой, Зариной Исламовой, фармацевтом по специальности, они воспитывают пятилетнего сына Комронбека – будущего защитника Родины.

В нынешние непростые времена медицинские работники и военнослужащие Национальной гвардии плечом к плечу единым фронтом встали на борьбу с коронавирусом и выигрывают эту битву. За это им огромное человеческое спасибо.

**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**

ТУРИСТИЧЕСКАЯ ПОЛИЦИЯ

# Ваша безопасность – наша основная задача

**Туристический потенциал Узбекистана сегодня – это паломничество, познавательный, экологический, этнографический, гастрономический, спортивный, лечебно-оздоровительный и другие виды туризма. Безопасность поставлена во главу угла, и в этом аспекте уже сделано немало. Сегодня мы расскажем о деятельности Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД Ташкентской области.**



Ташкентская область, наряду с другими туристическими регионами, изобилует зонами отдыха и курортами. У всех на слуху Чарвакское водохранилище, Бельдерсай, расположенный в сказочном уголке отрогов Западного Тянь-Шаня, Чимган, Хумсан…

Ташкентская область, словно волшебный ларец, наполненный драгоценными камнями, сверкает и манит природным великолепием, притягивая к себе бесчисленное количество желающих насладиться живописным видом здешних мест, отдохнуть, поправить здоровье, познать неповторимый вкус национальной кухни, обогатиться духовно. Увы, учитывая негативные последствия пандемии, захлестнувшей весь мир, приток туристов из ближнего и дальнего зарубежья практически иссяк. Однако внутренний туризм продолжает расти и развиваться, и гости столичной области, приехавшие из разных регионов Узбекистана, всегда найдут здесь радушный, теплый прием.

– В Бостанлыкском районе очень мягкая и по-особому приятная природа, – рассказывает начальник информационно-аналитического отделения Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД Ташкентской области майор Улугбек Вафоев. – Туристы имеют прекрасную возможность отдохнуть, набраться сил, энергии и новых впечатлений. Наше же дело – обеспечить им полную безопасность, помочь в неординарной ситуации, сделать так, чтобы гости чувствовали себя как дома.

– К большому сожалению, ситуация с коронавирусной инфекцией внесла свои коррективы в работу нашей службы, – вступает в разговор заместитель начальника Управления обеспечения безопасного туризма подполковник Одилжон Гулямов. – Гости из зарубежья, как ближнего, так и дальнего, пока не имеют возможности посетить нашу страну, но внутренний туризм продолжает функционировать. При этом, как и везде, должны соблюдаться правила, направленные на недопущение распространения инфекции. Хочу отметить, что в целом все соблюдают установленные нормы. Если же кто-то элементарно не надевает маску, то к ним применяются административные меры.

Хочется отметить, что подразделение туристической полиции в Ташкентской области в основном представлено молодежью – перспективной, умеющей принимать самостоятельные решения. Здесь служат и девушки. Мне представили старшего лейтенанта Ренату Васильеву и лейтенанта Ситору Сайдинову. Они стройные, изящные, спортивные, улыбчивые, им очень идет форменная одежда. Девушки экипированы рациями, бодикамерами, другими специальными средствами.



Перед тем, как отправиться на горнолыжный курорт Амирсай, мы посетили один из пунктов туристической полиции. По дороге разговорились. Коммуникабельная и общительная Ситора, к примеру, прекрасно эрудирована, владеет четырьмя языками, держит себя в замечательной физической форме, постоянно занимается спортом.

– Наша служба обязывает быть в курсе событий, работать профессионально, не ссылаясь ни на какие трудности, оставаясь при этом неизменно вежливыми и компетентными, – говорит она. – По специфике деятельности, приходится общаться с иностранными гостями и нашими гражданами. Мы обязаны работать так, чтобы не допускать неординарных ситуаций, в которые они могут попасть. Сотрудники подразделения обеспечены всем необходимым для плодотворной работы, начиная от планшетов, оснащенных программами-переводчиками, заканчивая современными скоростными автомобилями, скутерами и сигвеями.

…В пункте туристической полиции мы встретились с жителями Ташкента, которые приехали в Бостанлыкский район, чтобы подышать чистейшим горным воздухом, отведать блюда национальной кухни и отдохнуть в прекрасном месте. У гостей возникло немало вопросов, на которые девушки ответили с большой охотой, параллельно сориентировав их на местности.

…На горнолыжный курорт Амирсай добирались по серпантину. Дорога петляла вверх, местами круто спускалась, и пришлось затратить немало времени, прежде чем добраться до цели. В отличие от светлой и теплой низины, где ласково светило солнце, здесь недавно выпал снег, было туманно и холодно. Но суровая погода не стала препятствием для тех, кто желает с ветерком пронестись на лыжах по горным склонам, освоить новые маршруты, отдохнуть всей семьей в местном отеле, набраться новых впечатлений.

Сотрудники туристической полиции работают ответственно, контролируют обстановку, наблюдают за тем, чтобы приезжие соблюдали установленные санитарно-эпидемиологические нормы. Мы пообщались с туристами. Они довольны тем, что в туристической полиции служат культурные и образованные сотрудники, которые не оставят в беде и сделают все возможное, чтобы помочь гостям страны и узбекистанцам набраться сил, поправить здоровье.




**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Ташкентская область.*

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# БЕТАРТИБ ОВҚАТЛАНИШ – КОНИ ЗАРАР

**Тўғри, меъёрида ва ўз вақтида овқатланиш организм саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Таом истеъмоли орасидаги вақт 5–6 соатдан ошиб кетса ва кундан-кунга ўзгариб борса, овқатланиш тартиби номунтазам ҳисобланади. Масалан, кеча нонушта қилмай, бугун тушликни қолдирдингиз, эртасига эса кунни енгил тамадди билан ўтказиб, кечга ҳаддан ортиқ тўйиб овқатландингиз. Табиийки, бу ҳолат организм учун жиддий зарба бўлиб, турли касалликларни келтириб чиқаради.**









Узоқ вақт ҳеч нарса емаслик натижасида хлорид кислотасининг протеолитик ферментлар билан аралашмаси ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак деворларини емиради ва гастрит, ярали хасталикларни келтириб чиқаради.

Организм бу аралашманинг зарарловчи таъсиридан ҳимояланиб, секрецияловчи ҳужайраларнинг фаолиятини тўхтатиб қўяди, бунинг оқибатида ошқозон ширасининг ҳазм қилиш лаёқати ёмонлашади. Озуқавий моддаларнинг тизимли равишда қабул қилинмаслиги шароитида дистрофия (тўқима ва аъзоларда модда алмашинувининг бузилиши), гиповитаминоз ёки минерал моддалар етишмаслиги ривожланиши мумкин.

Кўп ва бетартиб овқатланиш метаболик синдром юзага келишига сабаб бўлади. Буни кечки тамадди организмнинг суткалик биоритмига зид бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Жигар, ошқозоности бези ва ичаклар фаоллигининг энг юқори даражаси эрта тонгга тўғри келади. Оқшом ва тун маҳали овқат ҳазм қилиш ферментларининг ишлаб чиқилиши ва организмни метаболизмнинг зарарли маҳсулотларидан тозалаш жараёни эса, аксинча, секинлашади. Шунинг учун таомни ухлашдан камида 4 соат олдин ейиш тавсия этилади. Кундузи етарли миқдорда овқатланмаслик эса алмашинув реакцияларини янада кўпроқ секинлаштиради.

Овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг олдини олиш учун ошқозон ширасі секрециясини мунтазам таом истеъмолига боғлаш ўта муҳим. Тамаддилар орасидаги узоқ вақт ва кун якунида меъёридан ортиқ қабул қилинган таом ҳам панкреатит ва ўт-тош касаллигининг авж олишига хизмат қилади.

Меъёридан ортиқ ва нотўғри овқатланиш, ширин, газли ва спиртли ичимликларни кўп ичиш, уйқунинг бузилиши ва камҳаракатлилик семиришнинг, яъни организмда ортиқча миқдорда ёғ қатламлари пайдо бўлишининг асосий сабабларидир. Ортиқча вазн қандли диабет, саратон, юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаради. Доимий ортиқча истеъмол бош миядаги иштаҳа маркази ишининг бузилишига олиб келади ва меъёрдаги овқат миқдори очлик ҳиссини керакли даражада бостира олмай қолади. Бунинг олдини олиш учун соғлом овқатланиш тартибига амал қилиш ва фаол ҳаёт тарзини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.



## ВАЗННИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАВСИЯЛАР:



**1.** Таомнома таркиби турфа бўлишига аҳамият қаратинг. Шу орқали организм барча зарур озуқавий моддалар билан таъминланишига имкон яратасиз.

**2.** Тамаддилар орасидаги вақт узоққа чўзилиб кетишига йўл қўйманг. 5 маҳал кам-камдан овқатланиш тартиби энг мақбул йўл ҳисобланади. Бунда неъматларни шошмасдан, яхшилаб чайнаш ўта муҳим. Таом тез истеъмол қилинганда, тўйиш ҳисси бироз «кечикади» ва шу туфайли одам тановул меъёрини ошириб юборади. Овқатдан 10–15 дақиқа олдин газсиз минерал ёки оддий сув ичинг. Ликопчага керакли миқдордаги таомни солинг ва қўшимчадан воз кечинг.

**3.** Овқатланиш рационига озуқавий моддаларга бой бўлган мева ва сабзавотлардан янги тайёрланган салатларни киритинг. Дони-дуккакли экин маҳсулотлари, кўкатлар, ёнғоқлар, балиқ ва товуқ гўшти истеъмоли яхши самара беради.

**4.** Шакар, ширинликлар, пишириқлар истеъмолини камайтиринг.

**5.** Ёғсиз сут, қатиқ, йогурт, творог, сули ёрмасидан тайёрланган егуликлар организм учун жуда фойдали (кунига 100 граммдан истеъмол қилинган сули ёрмаси «ёмон» холестерин миқдорини 14 фоизга камайтиради).

**6.** Туздан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ҳайвон ёғи маҳсулотлари, энергетик ичимликлар, ёғли, қовурилган ёки шўр овқатлар семиришга олиб келади.

**7.** Сўнгги тамадди уйқудан тўрт соат олдин, аммо 20:00 дан кеч бўлмаган вақтда қабул қилиниши керак.

**8.** Ҳар куни бадантарбия қилишни, спорт билан шуғулланишни ва тоза ҳавода сайр қилишни одат тусига киритинг.

**9.** Уйқуга бир вақтда ётишни одат қилинг.

**10.** Кўпроқ суюқлик (газсиз сув, компот, шарбат, чой) ичинг.

**Гулчеҳра АЗИМОВА**
**тайёрлади.**

МУЛОҲАЗА

# ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОСИШ КЕРАК

**Тасаввур қилинг: шаҳрингизда янги йўл қурилди. Ўша кўча бўйлаб машинада ёки яёв сайр этяпсиз. Йўлнинг текис, равон, кенг ва шинамлигидан баҳри дилингиз очилади. Эртаси куни не кўз билан кўрингки, йўлнинг айрим жойлари чўккан, баъзи жойларининг асфальти кўчган. Албатта, бундан дилингиз хуфтон бўлади, ишини сифатли бажармаган йўлсозлардан ранжийсиз.**

Энди муддаога ўтадиган бўлсак, сўнгги йилларда она тилимизнинг тараққиётига давлат миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизни қувонтиряпти. Айниқса, республикамиз Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бунинг ёрқин ифодаси бўлди. Унга мувофиқ, «2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси», мазкур Концепцияни 2020–2022 йилларда амалга ошириш дастури ҳамда «2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» тасдиқланди.

Фармоннинг учинчи бандида Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳни ташкил этиш ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини назарда тутувчи «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш вазифаси юклатилган.

Назаримизда, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилгунича, тилшуносларимиз ушбу йўналишда мавжуд бир қатор муаммоларни ҳал этишлари лозим. Акс ҳолда, мақоламиз бошида келтирилган мисолдаги йўлсозлар аҳволига тушиб, таъна-дашном остида қолишади.

Авваламбор, янги алифбо «Бир ҳарф – бир товуш» тамойилига қатъий асосланиши керак. Демак ш, ч товушларини ифодаловчи sh, ch ҳарф бирикмалари ўрнига, биттадан ҳарф қабул қилиш лозим. Айниқса, «yangi», «ko'ngil», «dengiz» каби сўзлардаги тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун ng ҳарфлар бирикмасидан фойдаланиб бўлмайди. Чунки шундоқ ҳам кўпчилик бу товушни иккита товуш (n+g) бирикмаси сифатида, масалан «sin-gil», «den-giz», тарзида талаффуз қилишга ўрганиб бўлган. Уни ифодалашда ягона ҳарфдан фойдаланилмас экан, бу ҳол давом этаверади. Натижада «yan-gi», «ten-gi» каби хато бўғин кўчиришлар учраб туради.

Тутуқ белгиси борасидаги чалкашликка чек қўйиш вақти ҳам келди. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг 32-бандида тутуқ белгиси a'lo, ba'zan, ta'zim, ra'y, ta'b каби ўзлаштирма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун қўйилиши, лекин mo'jiza, mo'tadil, mo'tabar каби сўзларда o' унли чўзиқроқ айтилса ҳам, тутуқ белгиси қўйилмаслиги таъкидланган. Табиийки, «Нега иккинчи гуруҳ сўзларда тутуқ белгиси қўйилмайди?» деган савол туғилади. Нима, бунга o'нинг тепасидаги белги халал берадими? Агар шундай бўлса, балки ўша белгини тутуқ белгисига халал бермайдиган шаклда қўйиш йўлини излаш керакдир.

Бу принципиал масала. Гап шундаки, тилни ёзувга эмас, ёзувни тилга мослаштириш лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, ёзув тилнинг табиатини, ўзига хос

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | A a | A | Аа |
| 2 | B b | Be | Бб |
| 3 | Ç ç | Çe | Чч |
| 4 | D d | De | Дд |
| 5 | E e | E | Ээ |
| 6 | F f | Fe | Фф |
| 7 | G g | Ge | Гг |
| 8 | Ğ ğ | Ğe | Ғғ |
| 9 | H h | He | Хх |
| 10 | I i | I | Ии |
| 11 | J j | Je | Жж |
| 12 | K k | Ka | Кк |
| 13 | L l | Le | Лл |
| 14 | M m | Me | Мм |
| 15 | N n | Ne | Нн |
| 16 | O o | O | Оо |
| 17 | Ö ö | Ö | Ўў |
| 18 | P p | Pe | Пп |
| 19 | Q q | Qe | Ққ |
| 20 | R r | Re | Рр |
| 21 | S s | Se | Сс |
| 22 | Ş ş | Şe | Шш |
| 23 | T t | Te | Тт |
| 24 | U u | U | Уу |
| 25 | V v | Ve | Вв |
| 26 | X x | Xe | Хх |
| 27 | Y y | Ye | Йй |
| 28 | Z z | Ze | Зз |

жиҳатларини имкон қадар тўлиқроқ ифодалаши, ўзида акс этириши жоиз.

Шу ўринда «mutolaa», «mudofaa», «metall», «kilogramm» каби сўзларнинг охирида келган қўш унли ва қўш ундош товушлар имлоси устида ҳам ўйлаб кўриш керак. Улар битта товуш тарзида айтилса, иккита ҳарф шаклида ёзишга не ҳожат. Ёки жўналиш келишиги қўшимчаси g' товуши билан тугаган сўзларга қўшилганда, «boqqa», «toqqa» тарзида талаффуз қилинса ҳам, нега мактаб дарслигига «bog'ga», «tog'ga» шаклида ёзилиши кераклиги тўғрисида қоида киритилган? Бу ўқувчиларнинг савод чиқаришни қийинлаштирмайдими? Хўш, ўқитувчи диктант олаётганда шу сўзларни қандай талаффуз қилиши керак?



Биз илгарироқ «Postda» газетасида чоп этилган айнан имло масалаларига бағишланган «Афу этгайсиз» сарлавҳали мақоламизда ҳам ушбу муаммони кўтаргандик. Жумладан, ҳар қандай тил четдан сўзларни ўз табиатига мослаштириб олиши кераклигини таъкидлагандик. Масалан, рус тилида «Тошкент» сўзи «Ташкент» тарзида айтилиши ва ёзилишига табиий ҳол деб қараймиз. Шунга ўхшаб, бир пайтлар ота-боболаримиз «Москва»ни «Московь» деганларида ҳам она тилимизнинг табиатидан келиб чиқишган. Бу билан Москва шаҳрини ҳозир ҳам «Московь» тарзида айтиш ва ёзиш керак, демоқчи эмасман. Мавриди келгани учун, мулоҳазамизни баён этдик-да. Лекин «афв» сўзини, албатта, тилимизга мослаштириш лозим. Сабаби, бу сўзни ҳеч бир ўзбек ҳозирда ёзиладиган тарзда айтмайди, айта олмайди, тили қовушмайди.

Хуллас, ҳозир лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишнинг айни пайти. Бунинг учун зарур бўлса, умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш керакдир, балки. Чунки муҳим қонун ҳужжатлари лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш амалиёти бизда илгаридан мавжуд. Алифбо, Имло қоидалари давлат раҳбари ёки Ҳукумат қарори билан тасдиқланар экан, демак, қонун ҳужжати ҳисобланади. Қолаверса, бу ҳар бир ўзбекка тааллуқли умуммиллий масала.

Темирни қизиғида босиш керак. Умумхалқ муҳокамасидан кейин мутахассис тилшунослар билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, мутасадди ташкилотга тақдим этсалар, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Бу тилимиз тараққиётига хизмат қилиш баробарида, келажакда нисбатан мукаммал имло луғати яратишга ҳам замин яратади. Алифбо – ёзма нутқнинг пойдевори. Пойдевор пишиқ, мустаҳкам бўлса, иморат қийшаймайди, бузилмайди. Имло қоидалари эса саводхонлик гаровидир.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

САБОҚ

## МУВАФФАҚИЯТ САБАБИ ҚАЙДА?



1914 йилнинг 9 декабрь куни Томас Эдисоннинг фабрикасига ёнғин тушди. Ўт ўчирувчилар етиб келгунича фабрика аллақачон култепага айланди. Бошқача айтганда, олимнинг йиллар давомида чеккан заҳматлари бирпасда ёниб, кул бўлди.

Эртаси куни тонгда Эдисон фабрикасининг ёниб битган деворлари орасида юраркан, шундай деди:

– Бу фалокатнинг ҳам биз учун катта фойдаси бор. Бутун хатоларимиз ёниб кетди. Яратганга шукур, энди барини қайтадан бемалол бошлай оламиз.

Ёнғиндан уч ҳафта ўтиб, Томас Эдисон илк граммафонни кашф қилиб, уни бозорга чиқарди. Бу ютуққа катта фалокатда ҳам ўзини йўқотмагани сабаб бўлди.

Киши бошига не-не мушкулотлар тушиши бор гап. Улар ким учундир жазо, ким учундир синов вазифасини ўтайди. Яна бири эса мукофотларга, муваффақиятларга йўл очиш учун берилади. Ҳар не бўлганда ҳам, ҳеч бир муваффақиятсизлик умидимизни сўндиришига йўл қўймаслик керак. Негаки, ҳар сафар ютқазганимизда, бизда барини янгитдан бошлаш имкони бўлади. Фақат иродали бўлиб, чиройли сабр қила олсаккина, муваффақият ўзи эшик қоқиб келади.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА.**

## ИШОНЧ



Буюк япон саркардаси Нобунаги душман сони уч баробар кўп бўлса ҳам, ҳужум қилишга қарор қилди. У ғалаба қозонишига ишонар, лекин аскарлари бунга шубҳаланишарди.

Йўлда у зиёратгоҳ олдида тўхтади ва аскарларига деди:

– Мен бу ерни зиёрат қилганимдан кейин танга ташлайман. Агар «бургут» тушса, биз ютамиз, тескари томони тушса – ютқазамиз. Тақдирнинг қўлидамиз.

Нобунаги зиёратгоҳга кирди ва сукут сақлаб ибодат қилди. Чиқаётиб эса, танга ташлади: бургут рамзи ўйилган томони тушди. Шу куни унинг аскарлари жангга шунчалик шиддат билан ташланишдики, душманни осонгина енгиши.

– Ҳеч ким тақдирни ўзгартира олмайди, – деди аскарлардан бири жангдан кейин.

– Албатта, йўқ! – Ишонч билан жавоб берди Нобунаги унга тангани кўрсатиб. Унинг икки томонида ҳам бургут тимсоли мавжуд эди...

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.**

ВНИМАНИЕ К ЖЕНЩИНЕ – ВНИМАНИЕ К БУДУЩЕМУ

# ПОМОЧЬ ОБРЕСТИ ВЕРУ В СЕБЯ

**Одно из основных направлений деятельности инспекторов по вопросам женщин – защита прав, свобод и законных интересов женщин, ограждение их от любых форм притеснения и насилия, улучшение нравственно-психологической атмосферы в неблагополучных семьях.**



– Работа осуществляется в контакте с отделом по поддержке махалли и семьи, Центром содействия занятости населения, представителями общественности, – говорит инспектор по вопросам женщин отдела координации профилактики правонарушений ОВД города Ахангарана Ташкентской области майор Нилуфар Каримхужаева. – Женщинам, оказавшимся в сложной жизненной ситуации, предоставляется юридическая, социальная, психологическая помощь. Лицам, признанным жертвами притеснения и насилия, а также тем, кому угрожают их совершением, выдается документ, обеспечивающий государственную защиту.

... В сложной жизненной ситуации оказалась жительница махалли Бирлик Ю. Э., 1967 г.р. Ее супруг регулярно проявлял к ней агрессию, всячески унижал. Не останавливало мужчину даже то, что супруга – инвалид. Каплей, переполнившей чашу терпения Ю.Э., стало то, что в один из дней муж, в очередном приступе гнева, дошел до рукоприкладства. Женщина была вынуждена обратиться в ОВД.

– С инспектором профилактики направились в данную семью. Изложенные факты полностью подтвердились, – рассказывает майор Н. Каримхужаева. – Было принято решение выдать Ю. Э. охранный ордер. Ее муж официально предупрежден о привлечении к ответственности в случае продолжения антисоциального поведения.

В ходе беседы Нилуфар Махамадхужаевна отметила, что за истекший период нынешнего года 36 жительницам, подвергшимся притеснению и насилию, в установленном порядке выданы охранные ордера. И за каждым случаем – непростая судьба женщины, нуждающейся в защите.

– Существует стереотип, что насилие в отношении женщины исходит в основном от нерадивого супруга, – делится наша собеседница. – Однако это не совсем так. Встречаются случаи, когда агрессию, психологическое давление проявляют и другие члены семьи.

В процессе работы обращаемся к старейшинам и активу махаллей, коллегам-психологам, которые дают дельные советы, способствуют восстановлению взаимоуважительных отношений. За последнее время трудоустроили 28 женщин, оказавшихся в сложной ситуации. Это важно, поскольку им необходимо прежде всего обрести веру в себя, свои силы, быть уверенными в завтрашнем дне.

Майор Н. Каримхужаева активно участвует в мероприятиях по широкому охвату населения профилактической работой. При ее непосредственном участии в махаллях, трудовых коллективах проведено порядка 30 встреч и бесед по обсуждению совершенных правонарушений, а также вопросов гендерного равенства, недопустимости проявления в отношении женщины никаких форм притеснения и насилия.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*

МЕРОПРИЯТИЕ

# Родину защищают храбрые



**На военном полигоне «Сазаган», расположенном в Нурабадском районе, проводился военно-патриотический фестиваль. Несколько сотен людей со всей области приехали посмотреть на масштабное зрелище, олицетворяющее военную мощь страны. Мероприятие прошло под лозунгом: «Родину защищают храбрые!».**

На церемонии открытия выступил командующий Центральным военным округом подполковник Айбек Саидов. Он отметил, что Вооруженные Силы Узбекистана способны обеспечить безопасность, нерушимость границ и стабильность государства.

На огромных просторах полигона виднелись палатки, землянки, развернулась выставка, представившая более 30 видов военной техники, артиллерийское вооружение. Юных посетителей особенно привлекли танки, бронетранспортеры, гаубицы, пушки и зенитные орудия. Взрослые также остались в восторге от увиденного. У каждого присутствующего была уникальная возможность заглянуть в землянки, сделать селфи на фоне бронепоезда. Дети подходили к военнослужащим, общались с ними, узнавали о том, как проходят тактические учения, спрашивали, что сделать, чтобы хоть немного приблизиться к мечте – служить в Вооруженных Силах.

Показательные выступления военнослужащих никого не оставили равнодушными. Программа комплексных упражнений включала отработку стрельбы во время эвакуации раненых, изменение огневых позиций, соблюдение стандартов военно-медицинской подготовки, прямое нацеливание из движущейся точки. Была продемонстрирована практика преодоления физического и интеллектуального напряжения и оказания психологического давления на противника. Бойцы представили навыки индивидуального перемещения заложников и их освобождения.

– Узнав о проведении фестиваля, я привезла на полигон сыновей, – делится впечатлениями Зебиниссо Шодиева. – Старший мечтает о службе. Здесь он получил отличную возможность увидеть армейскую жизнь, с казармой и боевыми учениями, сложностями службы и буднями солдат.

Не менее увлекательной была театрализованная постановка – реконструкция боя Джалолиддина Мангуберди с Чингисханом, в которой участвовали конница и пехота. В заключение программы гостей пригласили посмотреть на традиционное конное состязание купкари.

Фестиваль был организован хокимиятом Самаркандской области совместно с министерствами обороны, внутренних дел, по чрезвычайным ситуациям, Национальной гвардией, командованием пограничных войск и ОСО «Ватанпарвар».





**Замира ФАРХАДОВА.**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

# НИҲОЛ

## ёшлар саҳифаси



### КИТОБ – АҚЛ ҚАЛЪАСИ

Болалигимдан китоб мутолаа қилишга қизиқаман. Айниқса, бадиий асарларни мутолаа қилиш жону дилим. Буюк алломалардан бири: «Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳатда, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бор, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди... Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам китоб ақл қалъасидир», дейди.

Яқинда севимли ёзувчимиз Тоҳир Маликнинг «Саодат саройининг калити» китобини ўқиб чиқдим. Бу асарни мутолаа қилар экансиз, оилада, жамиятда ўз ўрнингиз борлигини, сиз нафақат ота-онангиз, балки она юртимизнинг, муқаддас Ватанимизнинг умидли фарзанди эканлигингизни ҳис этасиз. Сизга ҳаёт зинапояларидаги қийинчиликлар, машаққатли синовлар, орзулар манзили ва унга эришиш йўллари, шунингдек, одамийликнинг энг гўзал фазилатлари содда ва равон тилда тушунтириб берилади. Шунингдек, асарда риёкорлик, мунофиқлик, иккиюзламачилик, чақимчилик, ғийбатчилик каби кўпгина иллатлар ҳаётимиз, жамиятимиз учун ниҳоятда хавфли эканлиги ривояту ҳикоятлар мисолида баён қилинган.

Тенгдошларимга айтар сўзим инсоннинг одамийлик мулкини бойитадиган, ундаги гўзал фазилатларни янада равшанлаштирадиган китоблар билан дўст тутининг. У сизга ҳаётнинг пасту баланд довонларидан ўтишингизда куч-қувват беради, тўғри йўлни кўрсатиб туради.

**Нилуфар АЛЛАНАЗАРОВА,**
**ИИВ Хоразм академик лицейи 2-босқич ўқувчиси.**

### ЎЗБЕГИМ БАЙРОҒИ



**Ирода АЗИМҚУЛОВА,**
**ИИВ Самарқанд академик лицейи ўқувчиси.**

*Мана, бугун кузнинг сўнгги кунлари,*
*Дарахтлар япроғи сариқ, оловранг.*
*Осмонга талпиниб, елда силкиниб,*
*Ўзбегим байроғи ҳилпирар, қаранг.*

*Унда қадрланар элим ғурури,*
*Ҳар шамол эсганда таралар оҳанг.*
*Юлдузи сочади тарихингдан нур,*
*Ўзбегим байроғи ҳилпирар, қаранг.*

*Ундаги мовийлик тинчлик тимсоли,*
*Бағрикенг халқимнинг қалбидир оқ ранг.*
*Қизил ранг халқимнинг кўпирган қони,*
*Ўзбегим байроғи ҳилпирар, қаранг.*

*Яшил ранг юртимнинг она замини,*
*Ҳавоси мусаффо, йўқдир ғубор, чанг.*
*Ҳилол ой гўёки тепамда гирён,*
*Ўзбегим байроғи ҳилпирар, қаранг.*

*Бугун тантанадир, унинг байрами,*
*Ҳамма қувонч ичра, куй сочар жаранг.*
*Тинчлигим элчиси, эртам таянчи,*
*Ўзбегим байроғи ҳилпирар, қаранг.*

### ЮЗЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ БЕШТАСИ

***Бугун битта китоб ўқиган бола эртага телевизор кўриб ўтирган ўнта болани бошқариши мумкин.***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш айни пайтда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ва табиийки, нашриётлар зиммасига бугунги кун ўқувчисига танланган, бола тафаккурини юксалтирадиган адабиётларни нашр этиш вазифаси қўйилди.

Ёш китобхонларга юксак савиядаги адабиётларни тақдим этиш мақсадида «Янги аср авлоди» нашриёти навбатдаги лойиҳага қўл урди. Лойиҳа мақсади, аввало, мактаб ўқувчиларини қамраб олиш, бу борада уларнинг бадиий адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондириш, мактаб дарсликларига қисман киритилган ёки фақат номлари зикр этилган асарларни тўлиқ ҳолда тақдим этиш, шунинг баробарида, мактаб ўқувчиси мутолаа этиши лозим, деб топилган, мутахассислар томонидан «ўқиш шарт» дея тавсия этиладиган энг сара ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини ўқувчиларга таништиришдан иборат.

Лойиҳа доирасидаги китоблар юз номни ташкил этади ва ўқувчи ушбу китобларни ўн йиллик мактаб даврида тўлиқ мутолаа қилиши лозим ва бу билан умид қиламизки, бир йилда ўнта, ўн йилда юзта китоб ўқиган ўқувчи катта ҳаётга қадам қўяр экан, унинг интеллекти, дунёқараши, Президентимиз таъкидлаганларидек, телевизор кўрган юзта боладан анча юқори бўлади.

Фарзандларимизни кенг фикрли, салоҳиятли, заковатли бўлиб вояга етишида улкан ҳисса қўшадиган юз номдаги китобнинг дастлабки бештаси ҳозирда сотувда.

### ХИЗМАТИНГГА ШАЙМАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

*Майин шабадалар эсганда гоҳ-гоҳ,*
*Қалбим ҳасратлардан тўлганда ногоҳ.*
*Номингни баралла айтаман бот-бот,*
*Хизматингга шайман, муқаддас Ватан!*

*Қушларнинг чуғури бузса оромим,*
*Сокин наволарга бахш этай борим.*
*Сен фахрим, ғururим, ҳам номус-орим,*
*Хизматингга шайман, муқаддас Ватан!*

*Бахтлар ўлкасида қалблар бахтиёр,*
*Бундай элда ҳурмат топганга бахт ёр.*
*Тақдиримдан шодман, буюк бахтим бор,*
*Хизматингга шайман, муқаддас Ватан!*

*Сени мадҳ этмоққа ожиздир тилим,*
*Сен нурли маёқсан, ёритар йўлим.*
*Сенсиз яшамоқлик мен учун ўлим,*
*Хизматингга шайман, муқаддас Ватан!*



**Абдураҳмон РАҲМОНОВ,**
**ИИВ Бухоро академик лицейи ўқувчиси.**



### ОРЗУ БОЛАЛИКДА ТУҒИЛАДИ

Бир куни ғалати туш кўрибман. Тушимда гоҳ ўқитувчи, гоҳ шифокор, гоҳ чевар эмишман. Чўчиб уйғониб кетдим. Оддий туш-ку, нимасидан қўрқасан, дейишингиз мумкин. Очиғи, севимли ёзувчим Худойберди бобонинг «Сариқ девни миниб» китобидаги ҳеч қайси касбни пухта билмаган Ҳошимжонга ўхшаб қолишдан қўрқдим. Мен Ҳошимжонни шохдан-шохга сакраб юрадиган ҳаккага ўхшатаман. Касб танлашнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор, деб ўйлайман. Қизиқишлар, албатта, инобатга олиниши керак. Шундагина танлаган касбида мароқ билан завқ олиб ишлайди. Масалан, мен келажакда шифокор бўлмоқчиман. Нега дейсизми? Келинг, мен сизга бир сирни фош этай...

Онажонимнинг айтишича, мен ҳам, укам ҳам кичкиналигимизда эркатой, йиғлоқи, инжиқ ва қайсар бўлган эканмиз. Кўнглимизга йўл тополмай, жони ҳалак бўлган онам ҳадеб бизни шифокорга олиб бораркан. Бизнинг оилавий шифокоримиз Анвар Турсунович деган олижаноб, кўнгли худди эгнидаги оқ халатидек оппоқ, меҳрибон, самимий киши бўлган экан. Онажоним «Худо хоҳласа, келажакда фарзандларимни шифокор қиламан», деб дилига туккан экан. Кичкиналигимиздан «катта бўлсанг, шифокор бўласан», деб уқтирарди, ҳатто аксарият ўйинчоқларим ҳам тиббиёт ходимларининикига ўхшаш бўларди. Шу ёшимда кўпгина тиббиёт анжомларининг номларини, нима учун ишлатилишини биламан.

Тўғри, ҳозир ёшим анча кичик, касб танлашимга балки эртадир. Лекин мен онам айтганидек, ўзим ният қилганимдек, тиббиёт ходими бўламан. Бунинг учун ҳозирданоқ кўп ўқиб, ўрганяпман. Сиз-чи, сиз касб танлаш ҳақида бирон қарорга келдингизми?

**Парвина ДЎСТИЁРОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 162-мактаб ўқувчиси.**

**Саҳифа материалларини Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

## ОДАМ САВДОСИ – ОЛАМ МУАММОСИ

**Яна бир мунаввар тонг отди. Кўчаларда одамлар гавжумлаша бошлади. Кимдир ўқишга, яна биров ишга шошади. Улар орасида икки опа-сингил ва 6 яшар Мухлиса (исми ўзгартирилди) ҳам бор эди. Онаси уни етаклаб олган, учаласи шошиб қаергадир кетишарди.**

# ЯПРОҚЮРАК



Катта кўчага чиқишгач, холаси такси тўхтатди ва «Хон-Султонга» деди. Улар машинага ўтиришди. Кеча кечқурун онаси Мухлисага «Янги опа-акалар билан танишасан, уларнинг ўйинчоқлари росаям кўп, сенга ҳам беришади, яна паркка оборишади, фақат йиғламагин, хўпми?» деб тайинлаганди. Қизалоқ йўл бўйи онасининг шу гапларини ўзича ўйлаб кетди...

Учовлон эшиклари катта очиладиган, стол-стуллари кўп жойга бориб, ўтиришди. «Жуда чиройли жой экан» – хаёлидан ўтказди Мухлиса. Қўшни уйда яшайдиган дугонаси туғилган кунида ота-онаси шунақа жойга боришганини мақтаниб гапириб бергани эсига тушди. Ўшанда дугонасига роса ҳаваси келганди. Чунки Мухлиса дадасини сира-сира кўрмаган-да...

Мана, бугун у онаси ва холаси билан шунақа жойга келишди. Энди у ҳам дугонасига мақтана олишини ўйлаб, хурсанд бўлиб мийиғида кулиб қўйди.

Онаси эса бу пайтда холаси билан нуқул бир нималар устида тортишар, қанақадир пуллар ҳақида гаплашарди. Мухлиса уларга парво қилмай, нотаниш кишилар олиб берадиган янги қўғирчоқ ҳақида ўйлай бошлади. Унга қўллари, оёқлари букиладиган, туфличалари, чиройли кўйлаклари бор қўғирчоқ ёқади. Шунақасини бир марта онаси билан бозорга борганида кўрган. Ўшанда шунча ялинса ҳам онаси қиммат экан деб, олиб бермаганди.

Мухлисанинг хаёлларини уларнинг олдига келган сариқ курткали бир амаки бузди. Ўзини Илҳом деб таништирган амаки саломлашди ва Мухлисага қараб жилмайди. Исмини сўради. У эса жавоб бериш ўрнига, бегона одамга қараб тураверди. «Мен билан паркка борасанми?» деб, бироз энгашди амаки. Мухлиса ўзини орқага олиб, яна индамади. Қандайдир юраги бошқача уриб кетди, худди бир нимани сезгандай чўчиди.

Кейин ўша сариқ курткали амаки холасига бир даста пул тутқазиб, «Бу ерда 8 минг 200 доллар ва яна 5 миллиони сўмда», деди.

Мухлиса бир кўзлари бежо боқаётган онасига, бир айёрона табассум қилаётган холасига ва ҳалиги амакига қараб, ҳеч нимани англолмади. Улар бир тўхтамга келишди, шекилли, мамнун жилмайишди. Бир пайт онаси ва холаси «Сен ўтириб тур, биз ҳозир келамиз» деди-ю, ўринларидан туриб, кета бошлашди. Мухлисанинг хаёлига яшин тезлигида «Зумрад ва Қиммат» эртагидаги ўрмонга ташлаб кетилган Зумрад қиёфаси келди. У «Мен ҳам бораман» дея онаси томон кетмоқчи бўлганди ҳамки, сариқ курткали амаки унинг билагидан маҳкам ушлаб олди. Қизча қўрққанидан йиғлаб юборди. У нима бўлаётганини тушунмасди...

Шу пайт жиддий қиёфадаги кишилар онаси ва холасини ушлаб кириб келишди ва стулларга ўтиришларини буюришди. Улардан бири Мухлисани ҳалиги пул узатган амакининг қўлидан чиқариб, ташқарига олиб чиқди. Сўнг пиқиллаб йиғлаётган қизалоққа меҳр билан тикилди-да, «Йиғлама қизим, ҳозир онанг билан ҳаммамиз ички ишлар идорасига борамиз. Фақат сен ақлли қиз бўлсанг, ҳаммаси яхши бўлади» деб бошини силади. Сўнг уни йўл-йўл чизиқли машинага олиб бориб, миндирди. Бу Мухлиса телевизорда кўрган полиция машинаси эди. Бироз вақт ўтгач, онасининг ҳам, холасининг ҳам, нотаниш амакининг ҳам қўлини орқага қилиб, ўша машинага ўтирғизишди.

Машина жойидан жилаётганида кўзларида ёш қотиб қолган Мухлиса ташқарига қаради. Осмон кўм-кўк, дарахтлар эса қизғиш, сарғиш тусга кирган. Шу пайт дарахтдан бир жуфт миттигина япроқ шамолда ўйнагандек бир-биридан ажралиб, ерга тушди. Мухлисанинг эса юраги ана шу япроқдек қалтираб, совуқдан бироз эти жунжикди ва онасининг пинжига кириб, уни ҳеч қачон қўйиб юбормаслик учун маҳкам қучоқлаб олди...

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ПУШАЙМОНИ РОСТМИКАН?

**Ҳаётда аксарият инсонлар маълум бир касб ёки ҳунарни эгаллаб, меҳнат қилади. Уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам шунга қараб белгиланади. Ёшлигидан ўқиб-изланиб, бирор тайинли ишнинг бошини тутмаган, бекорчиликни касб қилиб олган киши эса, охир-оқибат ўзи билиб-билмаган тарзда жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин.**



«Қаҳрамонимиз» пастдарғомлик Шаҳзод Шарипов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ана шундайлар хилидан бўлиб чиқди. У ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиш ўрнига, ичкиликбозликка ружу қўйди, бирон-бир жойда қойиллатиб ишламади. Пировардида эса...

Кунларнинг бирида эрталабдан бош оғриғига чидай олмаган Шаҳзод ароққа пул топиш илинжида кўчага чиқди. «Жума» темирйўл бекати ҳудудида кетаётиб, ногоҳи шу ерда ишлайдиган ходимларнинг бирига тегишли велосипедга тушди. Ён-атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ. Шаҳзод бундай имкониятни қўлдан бой беришни хоҳламади. Велосипедни етаклаганча шоша-пиша деҳқон бозорига келди.

Шаҳзоднинг ўғирланган велосипедни сотиш нияти осонликча амалга ошмади. Анчагина «тер тўкиши»га тўғри келди. Бир нечта «харидор» билан савдоси пишмаган йигит ниҳоят салқин ичимликлар сотаётган Одил исмли йигитга велосипедни сотиб олишни таклиф қилди. Ҳатто иши тезроқ битиши учун ёш боласи касал эканлигини, даволаш учун пули йўқлигини айтиб, ялина бошлади. Унинг гапларига чиппа-чин ишонган Одил раҳми келиб, сўради:

– Хўп, бунингизга қанча берай?

– Ука, ҳозир менга пул жуда зарур, бир миллион берсанг бўлади, – деди атрофга олазарак қараганча Шаҳзод.

– Бунча пулим йўқ, ололмайман.

– Унда қанча пулинг бўлса бер, мен розиман...

Хуллас, велосипедни 300 минг сўмга сотган Шаҳзод пулни қўлига олганча «жуфтакни ростлади».

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Текин даромаддан оғзи чучиган Шаҳзод яна жиноятга қўл урди. Аммо бу сафар унинг омади чопмади. Боиси, у яна ўша темирйўл бекати ёнига бориб, ишчилардан бирининг велосипедини яширинча олиб кетаётган вақтида эгаси уни кўриб қолиб, шу заҳоти ички ишлар органига хабар берди.

Осойишталик посбонлари томонидан олиб борилган терговга қадар текширувлар жараёнида унинг муқаддам содир этган қилмиши ҳам фош қилиниб, судда айбига яраша жазо берилди.

Суднинг қора курсисида ўтирган Шаҳзод бу йўлга адашиб кирганини, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини таъкидлади. Қизиқ, унинг пушаймони ростмикан? Чунки инсон баъзида билиб-билмай қилган нотўғри хатти-ҳаракатидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, иккинчи марта бундай ишга қайтиб қўл урмайди. Тағин ким билади...

**Шерзод ШОДМОНОВ,**
**подполковник.**
**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Самарқанд вилояти.*

ЗДОРОВЬЕ

# КАК ПОВЫСИТЬ ИММУНИТЕТ

**Сильный иммунитет – лучший защитник от самых разных вирусов, в том числе и от COVID-19. Что нужно делать, чтобы поддерживать его в хорошем состоянии?**



**Питание**

Оно должно быть сбалансированным, здоровым и регулярным. Клетки иммунной системы находятся в лимфоидной ткани (слизистых оболочках), которая в большом количестве имеется в кишечнике, поэтому иммунитет человека тесно связан с работой пищеварительной системы.



Чтобы кишечник отлично работал, стоит:

– исключить из рациона продукты с консервантами, красителями и другими химическими компонентами;

– регулярно и в достаточном количестве есть свежие овощи и фрукты (местные и по сезону), которые пополнят запасы витаминов и минералов в организме естественным путем;

– добавлять в рацион пряности: имбирь, корицу, лавровый лист, базилик, хрен,



мед, лимон, которые являются натуральными иммуномодуляторами.

**Физическая активность**

Сидячая работа в закрытом помещении – самый плохой вариант для иммунитета. Необходимы регулярные физические упражнения, прогулки на свежем воздухе, занятия в фитнес-клубе, бег трусцой по утрам, плавание в бассейне, езда на велосипеде.





**Гигиена**

Защитить себя от болезней можно, если:

– регулярно проветривать помещение;

– ежедневно делать влажную уборку;

– тщательно мыть руки с мылом несколько раз в день или пользоваться антисептиком;

– избегать близкого контакта с больными или мест массового скопления людей.

**Сон**

Нашему организму необходимо в среднем спать 8 часов в сутки. Если вы спите меньше, то замедляется процесс деления Т-клеток, которые обеспечивают правильный иммунный ответ. Даже одна бессонная ночь может плохо сказаться на самочувствии.

**Стрессы**

Переживания, тревога, паника и другие негативные эмоции уменьшают способность иммунной системы защищаться от болезней. Плохо влияют как кратковременный всплеск эмоций, так и постоянные переживания. Поэтому старайтесь больше обращать внимания на хорошее, спокойно реагировать на происходящее вокруг. Смейтесь и … реже болейте!

## ИНТЕРЕСНЫЕ ФАКТЫ О ЯЙЦАХ



**Цвет имеет значение?**

Какие яйца лучше – белые или коричневые? На самом деле и те, и другие одинаково полезны.

**Светлый или темный желток?**

Яйца с красными или ярко-оранжевыми желтками ничем не отличаются от тех, у которых желток светлый, так как во всех содержатся одни и те же полезные вещества. На цвет желтка влияет состав корма: чем больше в нем кукурузы и травы, тем ярче будет желток. Размер, кстати, тоже значения не имеет.

**Как правильно хранить?**

Из-за того, что скорлупа очень пористая и способна впитывать запахи, хранить яйца нужно подальше от сильно пахнущих продуктов. Лучше всего укладывать их острым концом вниз, так как на тупом конце больше пор, и они могут «дышать», а значит, храниться дольше.

**Чем полезны?**

В яйце содержится более 20 антиоксидантов, которые нужны для хорошего зрения, работы мозга и нервной системы. Яичный белок легче всего усваивается организмом, а в желтках содержится сбалансированное количество витаминов, минералов и жиров.

**Куриные или перепелиные?**

По питательной ценности куриные яйца стоят на первом месте. Перепелиные содержат больше калорий и жиров, но меньше белков и углеводов. Зато в перепелиных яйцах содержится в 2 раза больше витамина А, в 3 раза – магния, больше железа и витаминов группы В.

**Как насчет холестерина?**

Ученые выяснили, что насыщенных жиров, которые и являются источником вредного холестерина, в яйцах немного. То количество холестерина, которое в них есть, не усваивается организмом благодаря другим полезным веществам. Так что ешьте яйца на здоровье!

# 5 СПОСОБОВ БЫСТРО СНЯТЬ СТРЕСС

### Дышите

Это подходит для тех, кто находится на работе, учебе или в общественном месте. Просто отойдите в сторонку, отвернитесь к стене, закройте глаза, медленно и глубоко сделайте вдох носом, сосредоточившись именно на потоке воздуха, проникающем в ваши легкие. Представьте, как кислород наполняет легкие, очищает мозг. Теперь сделайте медленный выдох – выпуская воздух ртом, сложите губы в трубочку. Можно мысленно считать: на счет 4 – вдыхайте, на 6 – задерживайте дыхание, а на 8 – выдыхайте.



### Прогуляйтесь

Отправьтесь в ближайший парк и побродите по аллеям хотя бы 20-30 минут. Если рядом нет парка, то обойдите вокруг дома. Главное – сменить обстановку. Возможно, именно во время прогулки в голову придет решение проблемы. В любом случае вы успокоитесь.

### Выпейте чай

Только не черный или зеленый, а успокаивающий, травяной. Отлично подойдут мята, мелисса, липа, календула, лаванда, хмель и валериана. Не пейте его слишком горячим, лучше немного остудить. По вкусу можно добавить в чай молоко.



### Поплачьте

Плач – естественная реакция организма на нервное перенапряжение. Во время плача расслабляются мышцы и зажатые нервные окончания, наступает приятная усталость. Не нужно «давить» из себя слезы, если вы чувствуете злость или агрессию. Но если вам обидно и неприятно за произошедшее, пожалейте себя и дайте волю слезам – поверьте, это успокоит очень быстро.





### Займитесь спортом

Прием действенен, когда накопились агрессия и злость, хочется кричать и бить кулаками по стене. Направьте энергию в полезное русло – побегайте на месте, покачайте пресс, сделайте 20-30 приседаний. Взбодрившееся тело "переключит" мозг из состояния стресса в состояние боевой готовности, а прилив адреналина заставит забыть о проблемах.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

ТОЧКА ЗРЕНИЯ

# ВКЛЮЧИТЬ ЗДРАВЫЙ СМЫСЛ

**Бурная дискуссия разгорелась на портале коллективных обращений Mening Fikrim, где размещена онлайн-петиция о снижении возрастного порога для выдачи водительских прав с 18 до 16 лет.**



Автор петиции полагает, что такая практика якобы распространена в зарубежных странах, это решение даст возможность трудоустроить старшеклассников, позволит в будущем снизить преступность среди молодежи.

Мнения по предложению разделились. Одни считают: если человек адекватный, то он может и в 18, и в 16 лет нормально управлять автомашиной. Другие недоумевают: «Это что, «медвежья услуга» выдавать права на вождение автомобилем подросткам, достигшим 16 лет?!», а также весьма образно выражаются: «В 16 лет не так много «серой массы» в голове».



Высказываясь «за» или «против» выдвинутого предложения, думается, следует, прежде всего, обратиться к статистике и мнению специалистов. Вот данные ГУБДД МВД Узбекистана: анализ автомобильных аварий с участием молодых водителей показывает, что только за девять месяцев текущего года водители, получившие права менее двух лет назад, совершили 612 ДТП, в результате которых скончался 191 человек и 571 получил травмы. Отмечается, что в предотвращении ДТП, помимо прочих факторов (состояние дорог, инфраструктура и т.д.), ключевое значение имеют соблюдение водителями ПДД, наличие опыта и культуры вождения, возраст лиц, находящихся за рулем автомобилей.

Согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 мая 2018 г., сдавать экзамены в территориальных УБДД разрешается лицам, которым к окончанию срока обучения для получения права на управление мототранспортными средствами категории «А» исполнилось 16 лет; автотранспортными средствами категории «В» и (или) «С» – 18 лет; автотранспортными средствами категории «D», трамваями и троллейбусами – 21 год. Отметим, что эти нормы соответствуют положениям Венской конвенции о дорожном движении.

Заявление же автора петиции о распространенности в зарубежных странах практики выдачи водительских прав с 16 лет, честно говоря, несколько лукаво. В этом легко убедиться – интернет вам в помощь. Мы лишь отметим, что даже при наличии в отдельных государствах такой практики, в большинстве случаев там установлена к данному праву масса ограничений (например, вождение в сопровождении родителей, инструктора и т.п.).

На наш взгляд, предложение не продумано. С точки зрения возрастной педагогики и психологии, 16 лет – пик эмоционального самоутверждения, проявляющегося в желании выделиться (в принципе, это не плохо), но зачастую любым доступным способом, а нередко путем игнорирования установленных норм и правил (типа, смотрите, как я крут!). Тинейджеры азартны, причем тяга к азарту у подростков в два-четыре раза сильнее, чем у взрослых. В результате самостоятельное вождение автомобиля в этом возрасте может привести не только к негативным, но и трагическим последствиям, и не только для самого «водителя», но и других участников дорожного движения.

Возможность обучиться управлению автомобилем под присмотром взрослых, изучать его устройство – да. Но снижение возраста для получения прав – не лучшая идея.

Мы – взрослые, а потому должны проявить ответственность и включить здравый смысл в данном вопросе: с 16 лет – мототранспортные средства, а за руль автомобиля – с 18!

**Хикматилла АХМЕДОВ,**
**Радик ТУМПАРОВ,**
**кандидаты педагогических наук.**



# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 23 по 29 ноября)***

**Овен.** На этой неделе можно ни о чем не беспокоиться, вы будете энергичны и способны свернуть горы. Ожидается успех во всех начинаниях. Это лучший период для серьезных изменений во всех сферах.

**Телец.** Успешное и продуктивное время в плане работы и бизнеса. Ваше упорство, наконец-то, даст отличные результаты. Финансовое положение будет замечательным, многие порадуют себя и родных хорошими подарками.

**Близнецы.** Придется пережить непростой период. Начало недели выдастся сложным и конфликтным. В остальные дни постепенно войдете в привычную колею и настроитесь на позитив. Выходные – лучшее время для отдыха.

**Рак.** Первые дни недели рекомендуется потратить на решение давних дел и проблем. Наступает удачное время, когда задачи, сдерживаемые самыми разными причинами, могут разрешиться быстро и легко. Эйфорию могут омрачить разногласия с партнером.

**Лев.** Вы полностью погрузитесь в работу. Трудовые процессы и поставленные задачи отнимут массу времени, и на личные взаимоотношения не останется ни сил, ни желания. Выходные рекомендуется провести активно.

**Дева.** Предстоит столкнуться с большим количеством проблем и сложностей. Нужно опасаться несчастных случаев и травм. Конец недели пройдет позитивнее, к выходным настроение улучшится. Финансовых проблем не ожидается.

**Весы.** Весьма непростое время. Неделю нужно пережить. Нежелательно заниматься важными делами и совершать крупные покупки. Следует быть более терпимыми к недостаткам родственников. На выходных рекомендуется хорошо отдохнуть.

**Скорпион.** Выпадет хороший шанс наладить личную или семейную жизнь. В отношении карьеры и бизнеса не ожидается больших перемен. В конце недели желательно беречь здоровье, возможно отравление продуктами или спиртными напитками.

**Стрелец.** Первые дни недели возможны частые ссоры с друзьями, родственниками или партнером. Не лучшее время для знакомств. Начиная со среды, ситуация начнет меняться в лучшую сторону, а выходные станут идеальным моментом для устройства личной жизни.

**Козерог.** Время успеха в бизнесе и карьере, достижения желаемых целей и обретения уверенности в своих силах. На личном фронте также можно ждать приятных сюрпризов. Выходные лучше провести в кругу семьи.

**Водолей.** Период положительных перемен в финансовой сфере. Вы сумеете найти новые источники дохода. Работа будет отнимать много времени, поэтому могут пострадать семейные и дружеские отношения.

**Рыбы.** Вы обретете уверенность в себе, своих силах и привлекательности, а звезды обещают удачу на всех фронтах. Можете рассчитывать на перспективные и интересные знакомства. Семейным людям рекомендуется в конце недели быть корректнее в общении с близкими.

Совет ветеранов МВД Республики Узбекистан извещает о кончине ветерана органов внутренних дел полковника в отставке

**ФАХРУТДИНОВА Рауфа**

и выражает искренние соболезнования родным и близким покойного.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

# ОБОД ЗИЁРАТГОҲЛАР

**Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан ислом динининг эзгу амалларини эъзозлаш, юртимизда яшаб ўтган улуғ алломалар меросини тиклаш, қадамжоларини обод этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг барча гўшаларидаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар қайтадан таъмирланиб, обод масканлар қад ростламоқда. Кўпгина бебаҳо ёдгорликлар ўз тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда, муҳташам ошиёнга айлантирилмоқда.**

**Тошкент вилоятида ҳам зиёратгоҳ ва қадамжолар талайгина. Қуйида ҳар қандай мавсумда ҳам зиёратчилар қадами узилмайдиган ана шундай гўшалардан айримлари хусусида фикр юритамиз.**



## ҲАЗРАТ АЛИ БУВА ЗИЁРАТГОҲИ

Паркент туманидаги Чашма маҳалласининг энг юқори қисмида жойлашган. Дастлаб 1982 йилда Кумушкон қишлоғи аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан 1 та хонақоҳ ва 1 та айвон барпо этилган. 2010 йилда маҳаллий усталар томонидан қайтадан таъмирланган. Зиёратгоҳда 3 та хонақоҳ, 1 та айвон мавжуд.

Қишлоқ одамларининг айтишича, Пайғамбаримизнинг куёвлари Ҳазрати Али шу жойда намоз ўқиган эмиш. Айрим ривоятларга кўра, унинг қамчисидан, бошқа бирида қайд этилишича, ҳассасидан чинор дарахти кўкариб чиққан. Бу чинор ҳозир ҳам яшнаб турибди. Ушбу муқаддас жойда 5 та булоқ бор. Улардан чиқаётган сув кумушга тўйинган бўлиб, таркибида 60 дан ортиқ микроэлементлар мавжуд. Саломатлик борасида кони фойда ҳисобланади, айниқса, ошқозон-ичак касалликлари учун шифодир.



## ҚИРҚ ҚИЗ БУЛОҒИ

Олмалиқ шаҳридан 6 километр ғарбга юрилганда Кўлота қишлоғи бор. Унинг юқори томонидаги тоғ тагидан 40 та булоқ чиққан. Ажабланарлиси, ҳар бирининг таъми ҳар хил. Замонавий тиббиёт уларнинг турли дардларга даво эканини тасдиқлаган.

Афсоналарга кўра, VIII асрда бу жойларда бир подшоҳ ҳукм сурган. Унинг ёлғиз қизи бўлган экан. Бир куни ёв бостириб келади. Подшоҳ лашкарлари билан ёвга қарши чиқади. Бироқ ёв сон-саноқсиз эди. Енгилишини сезган подшоҳ қизига чопар юбориб, яширинишни амр этади. Қиз қирқ канизаги билан тоққа қочиб кетаётиб, душман лашкарларига дуч келади. Ор-номусини сақлаб қолиш учун қизлар ўзларини чуқурликдаги кўлга отади ва барчаси ҳалок бўлади. Орадан йиллар ўтиб, кўлнинг қуйи қисмида Кўлота қишлоғи бунёдга келади. Маҳаллий аҳоли бу ерга келиб, булоқларни санаб кўрса, жами қирқта чиқади. Шунда улар ота-боболари айтиб кетган ҳикояни, яъни кўлга ўзини ташлаб, ҳалок бўлган қирқ қиз ривоятини эслашади ва унга Қирқ қиз булоғи деб ном беришади.

## АНБАР БИБИ МАҚБАРАСИ

Анбар биби мақбараси (XIV–XV асрлар) Зангиота умумий мажмуа таркибига кирган тарихий архитектура ёдгорлигидир. Анбар она номи тарихда «Меҳрибон ва саховатли улуғ она» тимсолида муқаддас саналган. Мақбарадаги хилхоналарда жойлашган қабрнинг бирига Анбар биби, иккинчисига Сулаймон Ҳаким ота Боқирғонийнинг онаси дафн этилгани аниқланган.

Анбар биби мақбарасининг ҳозирги кунгача асл қиёфаси деярли сақланиб қолган. Унинг қадимги гумбази қайта тикланиб, умумий кўриниши таъмирланган. Занги отанинг аҳли аёллари Анбар бибининг асли исми шажарада ёзилишича, Райҳона. Қизи Қорасочнинг асл исми Ойжон бўлиб, вафотларидан сўнг икковлари бир қабристонда дафн қилинган.



**Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати билан ҳамкорликда Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

Postda
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Aziza JANIYEVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4420.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 784 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.